

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



2020 йил 13 ноябрь, №46 (2901)

III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

4-5



6-бетда

МАЛАКА ВА ИМКОНияТЛАР
ОШИРИЛДИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик «йўл харитаси»га киритилган устувор тармоқлардаги иқтисодий кооперация лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Ҳудудлар ва бизнес даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.


Президентлар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ ва ШҲТ доирасидаги мулоқотни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКISTON



HAFTA ICHIDA



12-бетда

ҚУРОЛСОЗ УСТОД АЛИҚУЛИ

11

НЕГА ХАТ
ЁЗМАЙСИЗ,
ОДАМЛАР?

16

МОМОСИННИНГ
ҚИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

19

БИР ҚУЧОҚ
АТИРГУЛ

21

ШАРҚНИНГ ЕЧИМИНИ
КУТАЁТГАН ЖУМБОФИ

ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

В Военной академии Военной противовоздушной обороны Вооруженных Сил Российской Федерации состоялось официальное вручение сувениров и памятных знаков министра обороны Республики Узбекистан руководству академии.

ВРУЧЕНЫ СУВЕНИРЫ И ПАМЯТНЫЕ ЗНАКИ

ору Баходиру Курбанову за высокий уровень подготовки военнослужащих Узбекистана и их стремление получать знания, навыки и опыт в стенах академии города Смоленска. Он также добавил, что военнослужащие из Узбекистана всегда отличались широким кругозором, высокими профессиональными навыками, а также трудолюбием и старанием. Начальник специального факультета

развиваются и сохраняют наиболее высокий боевой потенциал в Центральной Азии. Это закономерный результат плановой модернизации и перевооружения армии. Несомненно, поддержание высокого боевого потенциала требует наращивания военно-технического сотрудничества с ведущими странами мира, изучения их боевого опыта. В заключение, он поблагодарил руководство и весь профессорско-препо-



В торжественной церемонии вручения присутствовали представители руководства военной академии, обучающиеся в данном учебном заведении адъютанты и слушатели из Узбекистана.

Временно исполняющий обязанности начальника академии генерал-майор Б. Новиков выразил благодарность министру обороны Республики Узбекистан генерал-май-

академии полковник Р. Лебедев в своем выступлении отметил отличные результаты обучающихся военнослужащих Узбекистана.

В своем выступлении представитель Министерства обороны Республики Узбекистан, слушатель первого курса специального факультета академии майор Ф. Назаров отметил, что на сегодняшний день Вооруженные Силы Республики Узбекистан динамично

давательский состав военной академии и вручил памятные знаки и сувениры генерал-майору Б. Новикову.

Следует отметить, что на сегодняшний день в высших военных учебных заведениях Российской Федерации обучаются и военные специалисты из Узбекистана. В том числе, и в Военной академии Военной ПВО РФ города Смоленска, выпускники которой показывают свои

высокие профессиональные знания.

В завершении мероприятия генерал-майор Б. Новиков ещё раз заочно поблагодарил министра обороны Республики Узбекистан и в свою очередь добавил, что данные сувениры и памятные знаки займут достойное место в музее Военной академии ВПВО.

М. АБИЛОВ

ЭЪТИРОФ

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўтганлар хотирасини сақлаш, уни абадийлаштириш ҳар бир халқ учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, улар Ватан учун, тинч-фаровон ҳаёт учун ўз жонларини қурбон қилган бўлса. Авлодлар аجدодларининг шонли ўтмиши, жасорати, қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигидан ўрнак олишга ҳаракат қилишади.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасининг «Шон-шараф» давлат музейида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари, МДХ иштирокчи давлатларининг мудофаа вазирлари кенгашининг қарорларига асосан ўтказилган қатор халқаро танловлар якунига бағишланган тантанли маросим бўлди.

Тадбир давомида олий таълим муассасалари



курсант ва тингловчилари орасидаги ҳарбий-илмий ишлар бўйича V Халқаро танлов, «Энг яхши журналистик асар» бўйича IV Халқаро танлов, фотосуратлар халқаро танлови, ўқишга кўмаклашувчи таълим муассасаларининг «Қалам тебратишини синаб кўриш» ижодий адабиёт танлови, шунингдек, Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган «Ғалаба-75» номли бадиий-публицистик асарлар танлови ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқова, «Энг яхши бадиий-публицистик асар», Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зикрилла Неъматов «Энг яхши шеърий асар», ёзувчи Жўра Фозилов «Энг яхши ҳикоя» йўналишида биринчи ўринни қўлга

киритди. Шунингдек, Тошпўлат Тугалов, Мирзозод Неъматов ва Лобар Рустамова юқоридаги йўналишларда рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиби бўлди.

Лейтенант Нажмиддин Насруллаев, III даражали сержант Светлана Карабаева, Қуролли Кучлар академияси курсантлари – Шуқурилло Иззатов, Бехруз Раҳматов, Шомаҳмуд Азимов ўз йўналишлари бўйича, Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти вакиллари – Нозима Маматова, Айжамал Жолдасбаева, Асрор Рўзибоев ҳамда Дилшод Рўзиқулов эса «Энг яхши журналистик асар» халқаро танлови номинантлари бўлди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Хамдам Каршиев халқаро танлов ғолиб ва совриндорларига Россия Федерацияси мудофаа вазирининг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғаларни тантанали тарзда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбир якунида Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари, таниқли хонандалар иштирокидаги бадиий дастур намойиш этилди.

А. ЧОРИЕВ

ИФТИХОР

МУБОРАК ВАТАННИНГ МУҚАДДАС ТИМСОЛИ

“ Ўзбекистон байроғи – юртимнинг муқаддас тимсоли! Мен унга ҳеч бир вақт олис юртларда туриб илҳақ бўлмадим, соғинчдан ўртанмадим. Мен деярли ёт элларда бўлганим йўқ. Ҳар доим юртимданман. Ватаннинг бу улғувор тимсоли учун ҳеч қандай каромат ҳам кўрсатганим йўқ. Дунёга унинг номидан бир сўз айтиш ҳам шу пайтгача қўлимдан келмади. Бироқ шу юртга дахлдор бир инсон, бир фуқаро сифатида унга меҳрим баланд. Кўзим тушганида нигоҳларим-ла эркалаб, аллалашим ҳақиқат.

...Қиш эди. Газетадаги тунги навбатчилик тугаб, тахририят хизмат машинасида уйга қайтпмиз. Пойтахтнинг марказий кўчалари бўм-бўш, йирик-йирик лайлак қор ёғиб турган гўзал бир кеча. Шу пайт машина ичидан Олий Мажлис биноси тепасида улғувор ҳилпираб турган байроққа кўзим тушди. Қор учқунлари билан янада ёришиб кетган оппоқ ойдан кечада у шунчалар улғувор, виқорли эдики! Йиллар ўтса-да у шу ҳолида кўзларимда қолди. Иссиқ ёз кечаларида, ёмғирли тунларда, чароғон кунларда ҳам у кўз ўнгимда юксакка бўй чўзган ўша улғувор ҳолида пайдо бўлади. Дунёда у каби яна бир байроқнинг бўлиши мумкин эмас! Чунки у менинг байроғим, у сизнинг байрогингиз, у она Ўзбекистоннинг байроғи.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади», деб белгилаб қўйилган.



Ушбу қонуний асосга биноан 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ҳа, ўша унутилмас, ҳаяжонли кунлардан буён ҳам кўп сувлар оқиб ўтди. Давлатимиз байроғи илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси қошида тенглар ичра тенг бўлиб ҳилпираган кунлар ёди ҳамон қалбларни тўлқинлантиради.

Ўзбекистон тарихининг янги саҳифалари бошланган ўша кунлардан бери ҳам бир навқирон авлод шаклланди. Муборак мустақиллик, истиқлолдан баҳрамандликда улғайган бир авлод. Ҳар нарсанинг қиммати таққослашда яққолроқ кўринади. Бугун кўзларимизни қувнатиб юксакларда ҳилпираб турган она юрт байроғини улғувор халқимиз дардларининг малҳами бўлган дегим келади.

Узоққа бормайлик, яқин ўтмишимизда, 80-йилларда юртимиз бошига тушган қора кунларни эсланг. Катта авлод бу кунларни ўз кўзи билан кўрди, бошидан ўтказди. Аждодлари дунё тамаддунини белгилаган улкан бир халққа, миллатга «пахта иши» деган тавқи лънат илинди. Касалхоналар хаста гўдаклар билан тўлди. Аёллар жонларига даҳшатли тарзда қасд қилиш ҳоллари юз берди. Бундай ҳолат энг оғир очарчиликлар, урушларда ҳам юз бермаганди. Улкан салтанатнинг мақсадсиз урушларидан юртга темир тобутлар кела бошлади, тўрт мучаси соғ кетганларнинг айримлари мажруҳ ҳолда қайтдилар. Тинч жойлардан ҳам темир тобутлар келди...

Булар шунчаки ўтмиш эмас, булар бугуннинг қийматини, истиқлол қийматини англатади. Бугун улкан ўзгаришлардан сўз очганимизда ҳеч нарса осонлик билан қўлга киритилмаганини ҳам ёдда тутишимиз зарур. Чунки мустақиллик эълон қилинганидан кейин ҳам ҳаёт бирданига яхшиланиб кетмади. Аммо буюк мақсад амалга ошган эди. Мамлакат осмонида эрк, озодлик байроғи ҳилпирай бошлади.

Ўзбекистон байроғи... Кўзларим севинчи, борлигим, ғурурим, орим, у! Уни, даставвал, халқаро спорт майдонларида она юртининг шердил ўғил-қизлари танита бошлади, уларнинг ғалабаси шарафига юрт байроғи кўкка томон юксалди. У кўкларда ҳилпираб, қалбларимизни чексиз ғурур-ифтихорга тўлдириб, оламга Ўзбекистон деган жаннатмакон ҳур диёрни танитди.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева шундай ёзган эди:

*Юрт байроғин ҳар жойгамас,
Кўнглингга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур,
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.
То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб,
Токи ғаним – ватанхўрлар
Ололмасинлар суғуриб.
Шундай ўргат кулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермак осон кечар бўлсин.*

Ҳа, бу буюк туйғу. Бу муборак Ватаннинг муқаддас тимсоли. Уни кўксингга қадаганинг он, қадри ҳам юксалади.

Кўкда ҳилпираган байроқ музаффарият белгисидир. Қадим-қадимдан қўшинларнинг зафарли юришлари ҳилпираган байроқлар остида ўтган. Байроқлар тарихидан сўз очилганида кўпчиликда буюк ватанпарвар аждодимиз шайх Намжиддин Кубронинг байроқдор бўлгани хусусида янглиш фикр борлиги аён бўлади. Бу янглиш фикр айрим зиёлилар томонидан газета-журналларда эълон қилинган мақолаларда ҳам учраши ачинарлидир. Бунга аниқлик киритиш учун Хуршид Давроннинг «Шаҳидлар шоҳи» тарихий-маърифий қиссасидан бир парчани келтираемиз:

«...шайх уч қадамча нарида кўзлари даҳшатдан чақнаб ёнаётган, кўлида алвон байроқни ушлаб олган мўғул навқарига тушди. У хавф-хатарни писанд қилмай, байроқни баландроқ кўтаришга уринар, бу билан сафдошларини яна шиддат билан олға босишга ундамоқчи бўларди. Шайхнинг кўзида унга хос бўлмаган нафрат ва адоват учқунлари чақнади. У бирдан олдинга ташланди-ю, қиличини мўғул кўкрагига санчди. Туғбардор қулаб тушар-тушмас, кокилига чанг солди. Аммо туғбардорнинг ўлимни кўрган орқадаги мўғуллар уни камондан ўққа тутдилар. Новакларнинг бири шайх кўксини тешиб ўтди. Шайх: «Оҳ!» деди-ю, ерга қулади. У туғбардор кокилини

қўйиб юбормасдан чап қўли билан кўксидаги новакни суғуриб олди, сўнг бутун кучини йиғиб душман байроғига чанг солди...

Мўғулларнинг бири жон берган шайхнинг қўлидан байроқни тортиб олишга уринди, аммо кучи етмади. Байроққа иккинчи мўғул ёпишди. Аммо шайх Кубронинг бармоқлари душман байроғини шундай куч билан қисиб турардики, душманлар бу куч олдида ожиз қолдилар. Байроққа учинчи, тўртинчи, бешинчи... еттинчи мўғул навқари ёпишди. Улар бараварига зарб билан тортган эдилар, байроқ йиртилиб кетди. Байроқнинг катта парчаси шайх панжасида ғижимланганча қолди.

Мўғуллар ғазабдан қутуриб шайх мурдасини тўрт ёндан қилич билан чопа бошладилар. Кейин яна мурда қўлидан ялов парчасини олишга уриндилар. Аммо шайх қўли омбирдек маҳкам қисилган эди. Охири мўғулларнинг бири – юзи чўзинчоқ, малларанг, кўса ўнбоши бошқа навқарларни четга суриб, калта қиличини даст кўтарди-да... туғ парчасини ғижимлаб турган бармоқларни мўлжаллаб бор кучи билан урди. Аммо қисилиб, муштга айланган бармоқлар тошдек қаттиқ эди, қилич сақраб кетди. Жаҳли чиққан кўса қиличини четга ирғитиб, белида осилиб турган ханжарини суғуриб олди ва сўкина-сўкина шаҳид бармоқларини қирқа бошлади. Бармоқлар қони силқиллаб ерга томчилай бошлади. Ниҳоят, мурда бармоқларидан озод бўлган байроқ парчасини олишга муваффақ бўлган мўғуллар чунон бақирдиларки, қилич чопқилашаётган ҳар икки тараф ҳам ҳайратдан қотиб қолдилар. Айниқса, ўнбоши бутун бир қальвани қўлга киритгандек, мағрур эди».

Бу парчада буюк ватанпарварлик акс этган. Улуғ аждодимиз, ўз даврида доврўғи етти иқлимга этган Шайх Валитарошнинг Хоразм қатлиомида ёғий яловини тутиб ҳалок бўлгани тарихий манбаларда мавжуддир. Унинг ҳақида ҳазрати Жалолиддин Румийнинг ўлмас сатрлари бор.

Шунингдек, бу парчада байроқнинг қўшин учун нечоғли улкан аҳамияти борлиги ҳам кўрсатилган. Мўғул жангчисининг шодон ҳайқирғи бежиз эмас. Кунпаякун байроқ – кунпаякун қўшин демак.

ЁЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲИКОЯСИ

...2019 йил ёзги таътилда Шаҳрисабздан тўққиз яшар жияним бизникига меҳмон бўлиб келди. Уни Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришни ўзим зиммамга олдим. Тафсилотларга берилмаймиз. Асосий воқеага тўхталамиз. Ўқув йилининг илк кундаги қувончли хабар олис Янгиобод қишлоғидан бизга етиб келди. Жияним бошланғич синфлар ўртасидаги «Ёзнинг энг яхши ҳикояси» танловида ғолиб бўлибди. Биз учун танловнинг даражаси муҳим эмас. Мўҳими унинг мавзуси!


Тўққиз яшар Саидазимхон «Аш-хабод» сайилгоҳи яқинидаги жуда-жуда баландда худди яқингинада тургандек ҳилпираши, ранглари кўзни оладиган БАЙРОҚ – байроғимиз ҳақида ёзган экан.

Инобат НОДИРШОҶОВА.
Аъзам МИРЗАЕВ,
Тошкент давлат
юридик университетининг
Ихтисослаштирилган
филиали ўқитувчиси

МАЛАКА

РЕАЛ ВАЗИЯТГА ЯҚИНЛАШТИРИЛГАН

Жанговар машғулот



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

“ Миллий армиямизнинг жанговар қудратини ошириш ва шайлигини мустаҳкамлашда ташкил этилаётган машғулотларнинг реал шароитлар ва вақт кесимида ўтказилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Тошкент ҳарбий округида ўтказилган навбатдаги мажмуавий тактик ўқувда айни жиҳатлар эътиборга олинди.

Ўқув режасига кўра, десантчилар ҳарбий қисми эрта тонгдан тревога сигнали асосида кўтарилиб, жанговар шай ҳолатга келтирилди. Юқори кўмондонликдан олинган вазифага кўра, жанговар бўлинма Сирдарёдан ўтиши ва белгиланган ҳудудга етиб бориши лозим. Ўқув шартига кўра кўприк устида шартли йўл-транспорт ҳодисаси юз бергани сабабли бир вақтнинг ўзида понтон кўприкчилар взводига жанговар бўлинманинг ўтиш имкониятини таъминловчи муҳандислик иншоотини барпо этиш вазифаси қўйилган.

Десантчилар жанговар бўлинмаси белгиланган маррага колонна тартибидан марш уюштирди. Эътиборли томони,

ўтказилаётган тактик машғулотларда кўшин турларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини таъминлашга ҳам катта аҳамият берилди. Понтон кўприкчилар взводи зудлик билан қулай ҳудудга келиб понтонларни сувга тушира бошлади. Взводнинг махсус гуруҳи томонидан разведка ишлари амалга оширилди ҳамда қирғоқ қўриқлови ташкил этилди.

Машғулотларни Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округларнинг жанговар тайёргарлик бўйича масъул офицерлари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва ҳамкор куч тузилмалари вакиллари кузатиб борди. Муҳандислар қўйилган вазифани адо этаётган бир пайтда понтон кўпригини ўрнатишга қаршилик қилишга уринган шартли душман ҳужуми қайтарилиб, жангарилар тор-мор этилди. Муҳандислардан эса тезлик ва аниқлик билан ҳаракатланиш





Мақола асосида тайёрланган
видео роликни томоша қилиш
учун QR-коддини сканер қилинг.



талаб этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг жипсликдаги ҳаракатлари сабаб понтонлар бир-бирига бириктирилиб, иккала қирғоқни бирлаштирувчи яхлит муҳандислик иншооти ҳосил қилинди.

Десантчилар жанговар бўлинмаси Сирдарёга мувафақиятли ўрнатилган сунъий иншоотдан ўтишга киришди. Шунингдек, машғулот давомида турли ҳарбий техникалар, ўточар қуроллар ва анжомлар кўргазмасидан иборат ўқув нуқталари ҳам ташкил этилди. Қуролли Кучлар академияси курсантлари ва тингловчиларига улардан самарали фойдаланиш бўйича керакли маълумотлар берилди.

Тактик ўқувда фаол қатнашган ва ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келаётган ҳарбий хизматчилар мудофаа вазирининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўтказилган кенг кўламли мазкур ўқув машғулотини қўшинларимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳаракатлана олиши, фавқулодда вазиятларда ностандарт қарорлар қабул қилиб, қўйилган вазифани бажариш салоҳиятини янада оширишга хизмат қилди.

Лейтенант Бобур ЭСОНОВ



МАРДУ МАЙДОНЛАР

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Сурхондарё вилоятида жойлашган дала-ўқув майдонларининг бирида бўлиб ўтган амалий машғулотлар замонавий жанг услубларига таянилди. Дастлаб ҳарбий хизматчиларнинг қурол-аслаҳалари, тоғ анжомлари бирма-бир текшириб чиқилди. Шундан сўнг улар дала-ўқув майдони томон йўл олишди.

МАЛАКА ВА
ИМКОНИЯТЛАР
ОШИРИЛДИ

Шунингдек, ўқув нуқталарида тоғ тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлик, ҳарбий топография, ҳарбий-тиббий тайёргарлик ва тоғ шароитида тактик тайёргарлик каби йўналишларда ҳам машғулотлар ўтказилди.

– Бўлинмаларнинг жипслигини янада мустаҳкамлаш, ўз мутахассисликлари бўйича билимларини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур машғулотлар ҳарбий хизматчилар малакасини мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди машғулот раҳбари майор Дилшод Худойбергандов. – Шахсий таркибнинг тоғли тўсиқларга беҳато ва хавфсиз чиқиб тушиши, қулай жанговар позиция эгаллаши ва берилган топшириқни ўз вақтида бажаришида бу каби машғулотларнинг ўрни бекиёс.

Амалий машғулотлар давомида илк бор тепадан пастга ва пастдан тепага ўткир бурчак остида отиш машқлари бажарилди. Натижа эса кўнгилдагидек. Уюшқоқлик билан ўтказилган машғулот сўнгида ҳарбий хизматчиларга сертификатлар топширилди.

Мудофаа вазирлиги Тоғ тайёргарлиги ўқув машқлари маркази вакиллари йўриқчилигида ўтган амалий ўқув машғулотлари 10 кундан ортиқ давом этди. Унда асосан тоғ иқлим шароити ва мураккаб вазиятларда йўналиш бўйлаб

хавфсиз, тезкор, яширин ҳаракатланиш, тоғ олди ҳудудларида мўлжални аниқ белгилаб, жанговар ҳаракатлар олиб бориш, тоғ анжомларидан самарали фойдаланиш техникаси ва усуллари кўпроқ эътибор қаратилди.

Лейтенант Исломжон Қўчқоров,
«Vatanparvar»




«НАТИЖАЛАРДАН КўНГЛИМ ТўЛДИ»

Шарқий ҳарбий округнинг «Фарғона» дала-ўқув майдонида ҳарбий хизматчилар парашют билан сакраш жанговар ўқув машғулотларини бажарди.

– Ҳозирда биз фойдаланаётган янги парашют системасидан сакраш жараёнларида парвоз мобайнидаёқ кўшимча топшириқларни амалга ошириш имкониятлари кенгайди. Парашютни бошқариш ҳамда бўлинмамни белгиланган нуқталарга бошлаб боришни амалда ўзим бажариб кўрдим. Натижалардан кўнглим тўлди, – дейди подполковник Сирож Бозоров.

Ҳарбий округ ҳаво-десант тайёргарлиги бўлими мутахассислари томонидан назорат қилинган машғулотлар Ватан ҳимоячиларининг жанговар шайлиги ва индивидуал маҳоратини янада оширди.



III даражали сержант Бобомурод НУРАТОВ

ИНТЕРВЬЮ

ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГЛАР қандай вазифаларни бажаряпти?

Баъзан зарарли одатлар аллаким учун ҳаётини ширга айланиб қолади. Руҳий тушкунлик, хулқий оғишдан бошланган бу иллат кун келиб, инсон ҳаётини издан чиқаради. Психологнинг вазифаси шахс шаклланишига салбий таъсир қилувчи шундай омилларни бартараф этишдан иборат. Ҳарбий психологлар эса юрт посбонларининг дунёқараши, руҳияти ва тафаккур тарзини ўрганиб, ўзига хос тарзда диагностика ва коррекция ишларини олиб боради.

Айни жараёнга доир саволларга жавоб олиш мақсадида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ижтимоий-психологик тадқиқотлар бўлими катта офицери катта лейтенант Ўктам Очиловга муурожаат этдик.

– Бошқа касб эгаларидан фарқли ўлароқ, ҳарбий хизматчиларнинг психологик хусусиятларидаги ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади? Ҳарбий психологлар бу борада қандай ишларни амалга оширишади?

– Ҳарбийлик мураккаб фаолият турларидан бири. Ҳарбий соҳада фаолият кўрсатаётган шахс исталган сонияда фавқулодда, қутилмаган вазиятдаги топшириққа тайёр туриши лозим. Мазкур йўналишдаги ўзига хослик хизматчиларнинг мунтазам руҳий экстремал ҳолатда бўлишида намоён бўлади. Қолаверса, жисмоний ва руҳий зўриқиш, ҳарбий техника ҳамда қуроллар билан бирга ҳаракатланишда акс этади. Шу боис ҳарбий психологлар шахсий таркибни психологик тайёрлаш, ҳиссий барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Натижада ҳарбий хизматчиларнинг мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмасдан, самарали фаолият юритиш лаёқати шаклланади.

Ҳар бир инсон ўз ички олами, психологик хусусиятларга эга. Шунинг учун мудофаа тизимида профессионал армияни шакллантиришда ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал хусусиятларни чуқур ўрганиш, уларнинг касбий, шахсий, ахлоқий-руҳий сифатларини ижтимоий-психологик тренинглари орқали таҳлил этиш, ҳарбий жамоаларни жипслаштириш муҳим роль ўйнайди.

Касбий фаолиятига фидойи, ҳар қандай вазиятда бурчига садоқатни биринчи ўринга қўядиган ҳарбий хизматчида руҳий толиқиш юзага келиши табиий. Мана шундай зўриқишларнинг олдини олиш ва уларни муваффақиятли бартараф этиш учун керакли маслаҳатларни аямаймиз. Шунингдек, ҳарбий хизмат даврида бир муҳитдан бошқасига мослашиш (*адаптация*), жанговар вазифаларни бажаришга таъсир кўрсатувчи экзо ва эндо (*ички ва ташқи*) омиллар кузатилади. Натижада ҳарбий хизматчининг функционал ҳолати ўзгаради. Бу хизматга бўлган муносабат, касбий мажбуриятлар, ишчанлик қобилияти, интеллектуал салоҳият, мулоқот ва хулқ-атворда намоён бўлади.

Таҳлилларга кўра, оилада юзага келадиган қийинчиликлар ишга, ишдаги камчиликлар оилага «кўчади». Ёки аксинча, оиладаги этишмовчиликлар иш фаолиятига таъсирини ўтказади. Бу ҳолат инсон фаолиятининг энг стрессоген турлари сирасига киради. Мана шу даврда жойлардаги командир ва бошликлар, ҳарбий психологлар уларга хизматнинг янги шароитларига мослашишига кўмаклашиш, дўстона маслаҳатлари билан ҳар томонлама кескинла-



шаётган вазиятнинг «оғриқсиз» ўтишини таъминлаш керак. Акс ҳолда, руҳий тушкунлик, стресс-кризис оқибатида салбий асоратлар, жумладан, ҳарбий кадрларнинг хизматдан кетиши, касбидан қониқиш ҳиссининг сусайиши, ҳаётининг издан чиқиши, сурункали касалликларга чалиниш рўй беради. Кўп ҳолларда стрессга қарши тура олмаслик, инқирозли вазиятларда тўғри ечим топа олмаслик натижасида одам қийин ҳаётини вазиятларга тушиб қолади. Стрессни бошидан кечираётган хизматчиларга эса психолог-мутахассислар астойдил ёрдам кўрсатади.

– Айни кезде Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий психолог ва социологлар томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-психологик жиҳатдан қандай амалий ёрдам кўрсатиляпти?

– Президентимизнинг 2018 йил 4 августдаги қарорига асосан Мудофаа вазирлиги қўшинларида илк маротаба ҳарбий психолог ва социологлар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ҳарбий фаолият хусусиятларининг соҳа ходимлари руҳиятига таъсирини чуқур ўрганиш орқали ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларини пухта ташкиллаштириш, ахлоқий-руҳий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда ҳарбий психологлар томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчиларининг психологик ҳолати, шахсий фазилатлари, ҳарбий жамоалардаги ижтимоий-психологик жараён ва ходисаларни мунтазам равишда ўрганиш мақсадида психологик ва социологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳарбий жамоаларнинг жипслилиги, ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш, охир-оқибатда ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар қудратини оширишга хизмат қиляпти.

Барча ҳарбий бўлинмаларда Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган диагностика ишлари, шахсий таркибнинг психологик билимларини оширишга доир машғулотлар, профилактик тадбирлар ўтказиш тизими равишда йўлга қўйилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қисқа муддат ичида ҳарбий қисмларда руҳий зўриқишларни энгши хоналари ташкил қилинди. Унда индивидуал консултация, релаксация, медитация усуллари, аутоген машқлар орқали психологик профилактик ишлар фаол тарзда олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва психологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳарбий шахарчалар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида қизиқарли психологик тренинг-машқлар, турли ташхис методикалари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, ҳарбий психолог ва социологлар томонидан ҳарбий хизматчилар фикрини ўрганишга қаратилган экспресс сўровлар, интер-

вьюлар ўтказилаётгани вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ва тезкорлик билан ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

– Ҳарбий хизматчилар билан ўтказилаётган психологик тренинглари қандай мақсадларга хизмат қилади? Фикрингизни муайян психологик тренинг мисолида билдирсангиз.

Жисмонан баркамол, маънан етук ҳарбий хизматчиларни тайёрлашда психологик тренинг машғулотларининг ўрни бекиёс. Тренинг мақсадлари инсон психологиясининг нозик томонларига таъсир этгани боис тренернинг ишини қимматбаҳо тошга ишлов бераётган заргар меҳнати билан таққослаш мумкин.

Психологик тренинг, бу – хизмат доирасида маълум вазифаларни бажариш учун ҳарбий хизматчи шахсида ифодаланиши шарт бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган қисқа муддатли ўқитиш шакли. Бугунги кунда ҳарбий жамоаларни ҳаётдаги қарама-қаршилиқ, турли низоли вазиятларни тушуна олиш ва таҳлил қилишга ўргатиш, мулоқот киришувчанлик сифатларини ривожлантириш, қутилмаган вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш каби мақсадларга хизмат қилувчи ижтимоий-психологик тренинглари олиб борилмоқда.

Тренинг ўтказиш учун гуруҳ ёки взвод шахсий таркибида етишмайдиган сифат ёки кўникма индикатор (*кўрсаткич*) сифатида танланиши мумкин. Тренинглари учун умумий вазифалар мавжуд бўлмайди. Чунки ҳар бир тренинг ўзига хос ва мос вазифаларига эгаки, ҳар бир танлаб олинган муаммо юзасидан маълум ҳолатлар назарда тутилади.

Мисол учун, «Менинг ҳаётдаги шиорим» тренингида иштирокчиларга ҳаётда доим олға интилиш, ўзида куч ва ғайрат топиш, келажакка ишончини кучайтиришга ёрдам бера оладиган ҳаётини мотивацион (*илҳомлантирувчи*) шиор ўйлаб топиш топшириғи берилади. Уша шиорни доим яққол кўриниб турадиган жойларга ёзиб қўя оладиган, уни кўрганда, беихтиёр ҳаётга интилиш, лаҳзалар қадрига етиш қизиқиш пайдо бўлиши керак. Топшириққа ижодий, ўзига хос ёндашиш ва ўйлаш учун 5-10 дақиқа вақт берилади. Сўнг ҳамма ўзининг шиорини ўқиб эшиттиради. Тренер иштирокчиларнинг шиорларини диққат билан таҳлил қилиб, бу шиорнинг ўзига ёки бошқаларга қанчалик ижобий ва салбий таъсир қилиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Умуман олганда, кўпинча ишда ёки оиладаги муаммо ва камчиликлар қисман бўлса-да, ўз хатти-ҳаракатларимиз туфайли вужудга келган тақдирда ҳам, айбни атрофдагилардан қидиришга ҳаракат қиламиз. Ёки қийинчиликлар гирдобига дучор бўлганда, ундан чиқишнинг самарали йўллари излаш ўрнига ўзимизни койиб, ҳаддан ортиқ ўйга ботиб, сиқиламиз. Шундай чигал вазиятлардан олиб чиқиш, аввало бундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун руҳшунослар шахсининг кучли ва заиф томонларини аниқлаб, қайси жиҳатларни ривожлантириш, ўзгалар билан муносабатда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини тушунтиради. Шу маънода ҳарбий психологлар Ватанимиз ҳимоячиларининг руҳан тетиклиги ва ўзига ишончини мустаҳкамлашда камарбаста ва яқин кўмакчи бўлиб келмоқда.



«Vatanparvar» мухбири
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ
сўхбатлашди.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

ЧОРБОҒДАГИ ЧАҚЧАК

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Чорбоғ кўрғони «Дўстлик» маҳалласида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ўтказилди. Унда Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирининг ҳарбий хизматчилари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари, ҳарбий оркестр жамоаси, Қуролли Кучлар фахрийлари, ўқувчилар ва уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Тадбир давомида Ватан ҳимоячиларининг турли чиқишлари, қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналари кўргазмаси, байрамона концерт дастури намойиш этилди.

Дам олиш куни ташкиллаштирилган тадбир қизиқарли ва самимий тарзда кечди. Аксарият томошабинлар – мактаб ёшидаги ёшлар. Дастурнинг «ҳарбийча» қисми куй-қўшиқлар билан бойитилгани кўпчилик учун айна муддао бўлди, назаримда. Юрт посбонлигининг масъулияти, ватанпарварлик хусусида эса фикр-мулоҳазалар, қўшиқлар мазмуни.

Айниқса, болаларга маза бўлди. Жанговар техникалар, қуролларни томоша қилишдан ташқари уларни ушлаб кўриш орқали яқинроқ «танишиш» имконияти яратилди, томошабинларга.

Тадбир ташкилотчилари ҳам ўз манзилларига қуруқ қайтишмади. Келажагимиз ворисларига шодлик улашиш баробарида ажойиб табиат манзаралари, тоза ҳавосидан баҳраманд бўлишди.

Подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Vatanparvar»



Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Гулистон маҳалласидаги «Миллатлар дўстлиги» маданият саройи ҳовлисида ҳарбий техника ва қурол-яроғлар кўргазмаси намойиши билан ватанпарварлик тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида йиғилганлар жорий йилги Халқаро армия ўйинлари ғолиб ва совриндорларининг фикр-мулоҳазалари ва тилаklarини тингладилар. Шундан сўнг Ватан ҳимоячилари кўл жанги бўйича ўзларининг кўргазмалари чиқишларини намойиш қилишди.

Уларга қўшилиб ўзларини си-наб кўришга ҳаракат қилаётган болажонларни кузатиб, бу каби тадбирларнинг аҳамиятини ҳис қиласиз. Жанговар техника ва қурол-яроғлар билан танишаётган ўғил-қизлар қизиқарли ва асосли саволлари билан ўзларининг миллий армиямизга бўлган муносабатларини ифода

қиларди. Ҳарбий хизматчилар эса уларни ўйлашга мажбур қилган ҳар қандай саволга ўз ўрнида батафсил жавоблар бердилар.

Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

БОЛА ЖОНЛАРНИНГ ҲАРБИЙЛАРГА САВОЛЛАРИ АСОСЛИ



ҲАРБИЙ – ВАТАНПАРВАРЛИК

“ Бир туйғу бор ҳеч қачон сўнмайди. Бир ҳис бор асло камаймайди. Бу Ватан туйғуси ва ватанпарварлик ҳиссидир. Ватан туйғуси юртга бўлган меҳру муҳаббат, кучли садоқат демак. Шу буюк туйғу туфайли инсон ўзи яшайдиган уйини, маҳалласини, шаҳару қишлоғини обод қилади, унинг шаънини улуглашга интилади. Буюкларимиз айтганидек: «Агар Ватан севгиси бўлмаганда юртлар хароб бўларди. Шундай экан, Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш чин инсонга хос фазилатдир». Зеро, юртни уни севганлар асрайди, Ватан деб билганлар унинг учун кўксини қалқон қилади.

Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи»да ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик акцияси ёшларимиз қалбида она Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада алангалатди, десак муболаға бўлмайди. Мудофаа вазирлиги томонидан ёшлар ўртасида ҳарбий касб нуфузини янада ошириш, улар қалбида асрлар оша яшаб келаётган ва мустақиллик йилларида янгича сайқал топган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат, Ватанга садоқат ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкил қилинган мазкур акцияда мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Шу куни боғ байрамони тус олди. Жанговар садолар остида майдонга чиқиб келган Фахрий қоровул ва ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича намойиш этган кўргазмали чиқишлари... кўзларда жилваланган иштиёқ, завқ, ҳайрат... кўкда мағрур ҳилпираётган Ўзбекистон байроғи... Бу манзарани қузатиш ҳаяжонли. Мана шундай фарахбахш онларда инсон Ватан туйғусини, тинч ва осуда осмон, осойишта кунлар қадрини дилдан ҳис қилади. Қалблар фахр ва ғурурдан жунбишга келади.

– Мен илк маротаба ҳарбийлар иштирокидаги шундай тантанали тадбирда иштирок этаяпман, – дейди коллеж ўқувчиси Мафтуна Норжигитова. – Айниқса, ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишларидан таъсирландим. Шундан маҳоратли, жасур Ватан ҳимоячилари бор экан, тинчлигимиз абадий бўлади!

– Мен ҳам ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Ҳарбий хизматчиларнинг чиқишларини томоша қилиб қалбимда бу касбга қизиқиш янаям ортди, – дейди суҳбатдошимиз ўн тўрт ёшни қарши олаётган Суннатилло Рўзиев. – Тадбир давомида ҳарбий-

КЎЗЛАРДА ҲАВАС ВА ҲАЙРАТ ЖИЛВАСИ



ларга тикилган минглаб кўзларда ҳавас ва ҳайратни кўрдим. Уларга меҳрим, ҳурматим ортди. Келажакда шарафли касб соҳиби бўлиб, аввало Ватанимни кўз қорачиғидек асрасам, юртдошларимизнинг меҳру муҳаббатини қозонсам дейман.

Файласуфлардан бирининг шундай сўзлари бор: «Куй-қўшиқ шундай қудратга эгаки, у инсон қалбида эзгуликнинг ниш уришига сабабчи бўлади». Чунки куй-қўшиқ ҳар доим



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган



Шу куни ёшлар учун «Шон-шараф» давлат музейи бўйлаб саёҳат уюштирилди. Халқимизнинг қонли жангларда кўрсатган жасорати, мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттирган кенг кўламли тарихий-бадиий экспозициялар ҳеч бир ташриф буюрувчинини бефарқ қолдирмади.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

эзгуликни, покликни, ватанпарварликни тараннум этади, инсон қалбида янги орзу-ниятлар уйғотади, энг асосийси, ёшларни она Ватанни севишга, уни асраб-авайлашга ундайди. Тадбир давомида ҳам ҳарбий оркестрнинг жанговар рух, фидойиликни тараннум этувчи оҳанглари, Қуролли кучлар ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан тақдим этилган концерт дастури қалбларни эзгу ҳисларга ошно этди.



Мақола асосида тайёрланган видео роликни томоша қилиш учун QR-коднинг сканер қилинг.

«ЎЗБЕГИМ» ҚАСИДАСИГА ЖЎР БЎЛДИК»

“ ДХХ Чегара қўшинларига қаршли ҳарбий қисм чегара қўриқлаш взводининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов мемориал музейи ва ижодкорлар боғига экскурсия уюштирди.

– Музейдаги экспонатларни, кўргазмалар залидаги миниатюра услубида яратилган деворий суратларни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Бунда севикли шоиримизнинг Ватанимиз олдидаги хизматлари яққол намоён бўлиб турибди. Тадбирдан руҳланган сафдошларим орасида Эркин Воҳидовнинг шеърларини ёддан айтиб берганлар ҳам бўлди. Айниқса, «Ўзбегим» қасидасига барчамиз жўр бўлдик, – дейди оддий аскар Жамшид Зиёев.

Экскурсия давомида сержантлар ва муддатли ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоирига тегишли китоблар ва бошқа экспонатлар билан танишиб чиқдилар.

Кичик сержант Нодир РАҲИМОВ



18 НОЯБРЬ – ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН САНА

«БАЙРОҒИМИЗ БАЛАНД ҲИЛПИРАЯПТИМИ?»

Бундан икки йил аввал филолог ҳамюртимизни Озарбайжон пойтахти Боку шахрига келиб қилиб узатиб, ўзимиз тўй тафсилотларини ижтимоий тармоқларда кузатиб турдик. Биз одатда тўйхонага кираверишда дабдабали қилиб безатилган гулларга ўрганиб қолганмиз. Улардан ўтиб, нозу-неъматлар тўла овқатланиш столига борасиз.

Ҳайратланарлиси Озарбайжон тўйхонасидаги гуллар байроққа олиб боради. Аниқроқ айтадиган бўлсам, тўйхонанинг тўрида Ўзбекистон ва Озарбайжон байроғи илинган. Базм мадҳиямизнинг янграши билан бошланганлиги ҳамгани лол қилди. Ишонши қийин, тўғрими? Аммо миллийлигимизнинг, миллатимизнинг қадрини чет элда яшаётган тенгдошларимиз кўпроқ билишлари бор гап. Дарҳақиқат, байроқ – давлат рамзи. Қалбга, юракка муҳрланган Ватан рамзи. Бу рамзни бизга кучли иймон, юксак ахлоқ ва адолат билан сингдиришган.

Олий ўқув юртини тамомлаб, ҳаммамиз ҳар тарафга учирма бўлдик. Ҳозир курсдошларимдан кўпчилиги тахсилни чет элда давом эттиряпти. Бири ажабтовур бинолар олдида суратга тушиб жўнатса, бошқаси ҳавасимни келтириб мен кўрмаган денгиз соҳилларидан лавҳалар жўнатади. Аммо қаерда бўлишмасин кўлларида Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпираб туради. Бир сафар дугонам Нилуфар испанларга байроғимиз ҳақида слайд тайёрлаб, дарс ўтибди. Россияда ўқиётган Дурдона эса талабаларга ўзбек миллий мусиқа асбобларини маромига етказиб чашиб бергандан сўнг, ўзбек санъатига қизиққани мухлислар яна-да кўпайибди. Э-ҳе, бундай мисоллардан айтаман десам жуда кўп. Ҳар доим дўстларимнинг халқаро олийгоҳларда таълим олишаётганидан бир қувонсам, уларнинг кўксига ватанпарварлик ҳисси юқори эканлигидан икки карра фахрланаман.

Шу ўринда байроғимиз билан боғлиқ ўзим эшитган, ўқиган ибратли воқеаларни келтириб ўтишни жоиз деб билдим.

Бир қиз ўзининг фейсбук саҳифасида пост қолдирибди. У шундай деб бошланган: «Дунёдаги энг истараси иссиқ байроқ – Ўзбекистон байроғи. Айниқса, мусофир юртда байроғимизни кўриб қолсам, туғишганимни учратгандек қувониб кетаман. Ёнига учиб боргим, бағримга босгим келади. У онамнинг рўмолига ўхшайди. Бирам ярашиқли, бирам азиз! Шунинг учун нафақат ўзимизнинг, ишхонамизнинг, балки қалбимизнинг тўрида асраймиз...» Қанчалар самимий дил сўзлар тўғрими? Кўнглимдаги фикрларга ҳамоҳанг бу сўзлардан таъсирланмасликнинг, ҳаяжонланмасликнинг иложиси йўқ. Зеро, рамз олдидаги ҳиссиётнинг сурури ҳам ўзгача бўлади. Мавзу ҳақида ёзиш давомида чет эл рамзлари билан ҳам қизиқдим. Бу маълумотлар сизга ҳам қизиқ бўлишига ишонаман.

Хитойнинг қизил байроғи коммунистик революцияни англатади. Тилла юлдузлар коммунизмнинг бирламчи тизимини акс эттиради. Тўртта кичик юлдузлар эса мамлакатда турли хил ижтимоий қатламлар мавжудлигини билдиради.

Бирлашган Араб амирликлари (БАА). Байроғига 1971 йилда асос солинган бўлиб, ундаги оқ ранг тинчлик ва ҳалолликни англатади. Қора ранг душманларни кўрқитиш мақсадида, қизил ранг эса жасорат ва баҳодирлик, яшил ранг умид ва оптимистликни билдиради.

Бразилия байроғидаги 27 та юлдуз мамлакат штатларини англатади ва тунги осмонда юлдузлар қай тарзда жойлашган бўлса, айнан шундай схемада тузилган. Яшил ранг ўрмонни, сариқ ранг мамлакат олмос заҳираларини англатади.

Ҳиндистон байроғининг ранги мамлакат динининг турфа хиллигидан дарак. Оловранг жасорат тимсоли бўлиб, ҳиндлар ва буддистлар учун муҳим ранг ҳисобланади. Оқ поклик, яшил ранг иймон ва унумдорлик, марказдаги айлана



қадимий Ашока Чакра тимсоли бўлиб, у қонун гилдираги деб ҳам номланади.

Хорижий давлатлар рамзи ҳақида ўқир эканман, мен учун барибир ўзимизнинг байроқ чиройли туюлди. У ҳеч қандай таъриф келтирилмаганда ҳам кўнглимга яқин. Унда ранглар ҳар бир деталь, хатто ойнинг қиррасигача маъно бор. Таърифлаб бўлмайдиган даражада майин илиқлик бор. Ҳар қараганимда ўзимизнинг табиатимизга хос хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини кўргандек бўламан. Шундай лаҳзаларда хорижга кетаётган дўстларим биринчи бўлиб сафар сумкасига юртимизнинг байроғини солиб кўйишаётган пайтда кўнглиларидан ўтаётган соф туйғуни ҳис қиламан. Шулар ҳақида ўйлаб ўтирган вақтимда Туркияда таҳсил оладиган дугоналаримдан бири телефон қилиб қолди. Гап орасида янги уйга кўчиб ўтганимизни айтдим. Узоқ суҳбатлашдик. Кўпроқ унинг сўзларига қулоқ тутдим:

– Дугонажон, янги уйинг Мустақиллик майдонига яқинми?

– Ҳа, яқин.

– Қарагин-чи, байроғимиз ҳилпираяптими? Мен учун ҳам қара, илтимос.

– Мен «дом»да бўлсам, кечаси байроқни қандай қилиб кўраман, – дедим (кулиб). Умуман олганда кўпқаватли уйлар орасидан кўролмаيمان кундузи ҳам.

– Ҳаа... майли...

Ростини айтсам, унинг гап оҳангидан юрагим эзилиб кетди. Дилдаги кечинмаларини ҳис қилдим ва кўнглини кўтариш учун сўз қотдим:

– Туркларнинг кўп одатлари бизга яқин-ку. Қолаверса, денгиз бўйи, чағалай кушлар. Бой кутубхоналар, истироҳат боғлари... Бундан ташқари у ерда талабалар учун имтиёзлар кўп, шароитлар яхши деб эшитдим.

– Э, қўй буларни. Ватандан ташқарида Ватан бўлармиди, – деди. Ҳамма нарсага бийрон тилим шу лаҳзада айланмай қолди. Уни овутолмай қолдим. Ҳа, Ватан соғинчида ўртанаётган инсонни овутиб бўлмас экан. Бир сўз тополмай қолдим. Орага сукут чўқди. Дугонамнинг қани энди қаноти бўлса-ю учиб келса.

Эртасига эрталаб ҳамма ишимни йиғиштирдим-да, Мустақиллик майдонига бордим. Дугонамга юбориш учун суратга тушдим. Баланд ҳилпираган байроғимизни видео тасвирга олиб, унга юбордим. Гўшакни олиб, хабар юборганимни айтишим билан «Байроғимиз баланд ҳилпираяптими?» – деди худди ёш болага ўхшаб. «Ҳа-а, жуда баланд ҳилпираяпти», дедим. Шошганча телефонни қўйди. Унинг ҳурсандлигидан кўзимга ёш келди. Энди доим Мустақиллик майдонидан ўтсам, байроғимизга қараганимда дугонамнинг сўзлари ёдимга келаверади: «Байроғимиз баланд ҳилпираяптими?..»

Санам НИШОНОВА

МЕН БАЙРОҚМАН, МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!

Мен байроқман, менга сўз беринг,
Сўйлаб берай ўтган замондан.
Мен байроқман, менга сўз беринг,
Куйлаб берай бутунги шондан.

Не кунларга бўлмадим гувоҳ,
Кўрдим халқнинг метин бардошин.
Шу эл, шу юрт ҳурлиги учун,
Мард ўғлонлар тикканди бошин.

Спитамен, Мангуберди ёққан,
Озодликнинг олови бўлдим.
Жасур жангчи қўлида ҳар дам,
Жасоратнинг ялови бўлдим.

Улкан давлат тузганда Темур,
Бошим кўкка етганлари рост.
Эгилмадим, синмадим асло,
Туғ бўлгандим буюк юртга хос.

Мен байроқман, менга сўз беринг,
Сўйлаб берай Ўрда ҳасратин.
Жондан кечиб, ордан кечмаган,
Мардлар битиб кетган дастхатин.

Миллатим деб ёнди жадидлар,
Воҳ, оғрийди жоним, эсласам.
Юракни туғ қилиб қўтариб,
Асл эрлар ичганди қасам.

Қодирийни отгани қўрдим,
Чўлпонини сотгани қўрдим.
«Ўтган кунлар» ўтмай қолганин,
Кунлар куйиб ётганин қўрдим.

Кечагидай эсимда бари
Олса жонни олдику гаддор.
Шаънин байроқ қилиб қўтарган
Халқ қалбини енголмади дор.

Мен ўшанда яшай бошладим,
Юрагида эркесвар халқнинг.
Қай ботири юртим, деб ёнса,
Кўзларида турардим балқиб.

Мен байроқман, менга сўз беринг,
Яшадим халқ иродасида.
Нечун бугун тилга қирмайин,
Нечун юртга битмай қасида.

Ахир бугун ғамлар афсона,
Ахир бугун миллат хур омон.
Истиқлолнинг қуёши порлаб,
Ахир бугун эртақдек замон.

Қайга борманг, бошим тик, мағрур,
Ҳилпираб эрк шамолларида.
Мен мавжудман, эр йигит лафзи,
Эзгуликнинг жамолларида.

Мен байроқман, гурурман, орман,
Умид, ишонч менда мужассам.
Ватан, номус, шон деган эрлар,
Мени ўпиб ичганда қасам.

Ў, она халқ жон Ўзбекистон,
Дунё узра кўзингман аҳдди.
Шоҳсупага чиққанда боланг,
Ярқираган юзингман, шахдди.

Мустақиллик бошидаги бўрк,
Тинчлик куйин сайроғидурман.
Мард ўғлони ўз элига бек,
Ўзбекистон байроғидурман.

Мен байроқман, менга сўз беринг,
Сўйлаб берай ўтган замондан.
Мен байроқман, менга сўз беринг,
Куйлаб берай бутунги шондан.

Мен байроқман, менга сўз беринг!

Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Жиззах вилояти бўлими бошлиғи.

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Бир қисмгина китобларим орасида ёшлигим осмонини нурафшон этган муждалар сақланади. Йиллар уларга ҳам ўз ҳукмини ўтказган. Эскирган, сарғайган қоғозлар... Йўқ, йўқ, улар оддий қоғозлар эмас, хатлар. Ташлаб юборишга кўзим қиймайди. Уларнинг жони бордек, менинг назаримда.

Баъзан кўнглим гард тегмаган тоза, мусаффо туйғуларга эҳтиёж сезганида бу хатларни бир-бир кўриб чиқаман. Синфдошимнинг хатига кўзим тушганида юз-кўзларимга ихтиёрсиз табассум югуради. Ғиж-ғиж хатолар билан ёзилган бу «изхори дил»ни ўқиб, бўйи елкамдан келадиган, кўзлари кўм-кўк, юзлари сепкилли қувноқ бола кўз ўнгимда пайдо бўлади. Бу «бола» аллақачон набирали ҳам бўлди. Хатлар... улар кўп. Энг қадрлиси, қалбим тубига кўмилган армонлар, изтироблар сабабчилари ҳам бор, улар орасида. Шундай бир вақтлар бўлган эдики, юртга темир тобутлар келарди. Йилдан йилга сони ошарди. Изхори дили сарғайган қоғозларда қолган аскар йигитнинг ҳам қисмати шундай яқун топган... Бу энди бутунлай бошқа мавзу, дардли, оғриқли мавзу.

Биз мактублар ҳақида гаплашаётган эдик. Ҳозир одамлар хат ёзмай қўйди. Мактублар ўрнини телефондаги узук-юлуқ «смс»лар эгаллай бошлади. Мактубдек нафис ва гўзал санъат биздан тобора узоклашиб кетяпти.

Мактублар... улар улкан адибларнинг ўзларидан-да улкан муҳаббатларидан сўзлайди. Уларни дилга хушқар кўшиқлар, дostonлар каби ўқийсиз. Бу адабиётдаги энг гўзал жанр десак хато бўлмайди. Уларда нафақат муҳаббат, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеалари, жамият ҳаёти, жамият қарашлари бўй кўрсатиб туради.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Муншаот» (мактублар)ини эсланг. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб мирзога йўллаган мактубидан парчага эътибор беринг:

«Ул руқъаки, сочиб эди кофур уза анбар,


Ҳар нуқтаси мушк эрдию ҳар нуқтаси гавҳар –

етиб келиб қўлимизга тегди. Нуқтаси мушкини кўзим қорачиғи устига қўйдим ва нуқталари гавҳарини жон риштасига чеқдим, ундан кўз уйи нурга тўлди ва жон кулбаси бундан зебу зийнат топди. У шоҳлар ғарибини Ҳақ таоло ўз паноҳида асрасин ва у ғариблар шоҳини Тангри таоло мурод жилвагоҳида омон тутсин».

Во ҳайрато! Булар оддий сўзлар! Аммо ҳазрат қалами заргарона зеб бермиш сўзлар. Дур каби, бебаҳо марварид каби тизилмиш сўзлардан битилган мактубга асрлар берисидан туриб ҳам бепарво кўз югуртириб бўлмайди.

Мактублар, мактублар... Улар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Азиз ўқувчиларимиз бу саҳифа китоблар тарғиботида бағишланган, нега мактублар ҳақида сўз кетяпти, дея ажабланишлари табиий. Ҳа, биз бу саҳифа орқали асл асарларни, асл китобларни тавсия этамиз. Бугун

НЕГА ХАТ ЁЗМАЙСИЗ, ОДАМЛАР?



ҳам бу эзгу мақсадимиздан чекинганимиз йўқ. Сизга улғу адиб Стефан Цвейгнинг «Нотаниш аёл мактуби» новелласини тавсия этамиз.

Адибнинг фаолияти кенг қамровли бўлишига қарамасдан асосан новеллалари билан шуҳрат қозонган. «Куйган кўнгил фарёди», «Лепорелла», «Қутурган қотиллар» новеллалари кучли ҳис-туйғуларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг «Бетоқат қалб» асари ҳам дунёнинг турли тилларида таржима қилинган ва севиб ўқилади.

Сиз «Марсельеза»нинг қандай яратилганини биласизми? Бутун Франция жўшиб кўйлаган бу кўшиқ ёш офицер томонидан ёзилганини, аммо унинг муаллифи умрининг сўнгги йилларига қадар мислсиз азоб-уқубатлар ичида яшаб вафот этганини-чи? Олтин шундоққина тупроқ устида бўлган, айнан шу олтин эвазига қад ростлаган шаҳарни биласизми? Бу Калифорнияда... Келинг, тафсилотларга берилмайлик. Стефан Цвейгнинг «Тарихий миниатюралар» очеркларини ўқинг. Умуман бу ёзувчининг ҳамма асарлари катта қизиқиш билан ўқилади.

Биз «Нотаниш аёл мактуби» ҳақида суҳбатлашмоқчимиз. Юқорида мактублар ҳақида бежиз ёзмадим. Адибнинг бу новелласи муншаотнинг, мактубларнинг энг гўзали, бетакрори ва беқиёсидир.

Таниқли ёзувчи 41 ёшга тўлган куни узундан-узун, ўттизга яқин саҳифали мактуб олди. Исм-шарифи, манзили кўрсатилмаган жўнатувчи томонидан «Сенга, мени ҳеч қачон билмаган кишига» деб ёзилган эди.

Мактуб шундай бошланади: «Болам кеча ўлди. Унинг жажжи, нимжон ҳаётини сақлаб қолиш учун уч кечаю уч кундуз ажал билан олишдим; бечора боламнинг мурғак жуссаси қирқ соат мобайнида иситмада ёниб тўлғанди, мен олдидан бир зумга ҳам жилмадим. Чўғдек ёнаётган митти пешонасига муз қўйиб, жонсарақ жажжи қўлчаларини кечаю кундуз бағримга босиб чиқдим. Учинчи куни

кечкурун ҳолдан тойибман. Беихтиёр кўзларим юмилибди. Қаттиқ стулда ўтирган кўйим уч ёки тўрт соат мизғиб қолибман, бу орада ўлим уни бағримдан олиб кетибди».

Ҳа, новелла илк сатрларидан бошлаб сизни шу тариқа ўзига оҳанрабо каби тортиб олади. Кўз узолмай қоласиз. Бетоқатлик эгаллайди қалбингизни. Ким, ким бу аёл? Нега бундай бошланди? Нега, «Сенга, мени ҳеч қачон билмаган кишига» деб ёзди? Уни ҳеч қачон билмаган бўлса нега ёзаяпти? Ана шундай саволлар билан мутолаага шўнғиб кетасиз.

Ўқиймиз: «Агар узокроқ яшаш насиб этган бўлса, ушбу хатни йиртиб ташлайман ва ҳар доимгидея яна сукут сақлаб юрвераман. Агар хат қўлингга етиб борса, билгинки, унда марҳума бошдан то охиригача сеники, сенга тегишли бўлган ўз ҳаётини баён қилиб қолдирган».

Бу аёл ким? Уни мактубни биргалашиб ўқиш асносида таниб бора-сиз. Биласизми, мен «Нотаниш аёл мактуби» ҳақида гапиришдан кўра уни ўқишни афзал кўрардим. Бироқ сизга тавсия қилаётганим новеллани шунчаки бир муҳаббат қиссаси каби қабул қилишингизни истасамдир.

Яна ўқиймиз: «Шу лаҳзадан бошлаб сени севиб қолдим. Биламан, аёллар бу сўзларни сенга, ўз эркактойларига кўп марта айтишган. Лекин гапларимга ишон, ҳеч ким сени шу қадар қулларча садоқат, шу қадар фидокорлик билан, муте мавжудотга ўхшаб севмаган, ўша мавжудот мен эдим ва сен учун ҳамиша шундай бўлиб қолгандим. Чунки дунёда ҳеч нарса боланинг кишибилмас севгиси билан тенглашолмайди. У шу қадар камсуқум, фидойи, шу қадар кўнгилчан, хушёр, сезгир, жўшқинки, ҳеч қачон – майли ғайришуурий бўлсин – катта ёшдаги аёлнинг ошиқ-маъшукликка интилган муҳаббатидек талабчан бўлмайди. Фақат ёлғиз болаларига эҳтиросларини буткул ўзларида сир сақлай оладилар, бошқалар эса ўз туйғуларини дугоналарига ошкоралаб, ўтмас қилиб қўядилар – улар муҳаббат ҳақида кўп ўқишган ва эшитишган, барча инсонлар учун муқаррар қисмат эканлигини яхши билишади, у билан ўйинчоқдек овунишади, ўғил болалар биринчи чекилган папиролари билан гердайданларидек, у билан мактаннишади».

Назаримда энг кўп ўқиладиган асарлар муҳаббат қиссаларидир. Бугун иқир-чиқирлардан иборат сериаллар янгилик бўлмай қолди. Телевидение экранларида намойиш қилинган илк сериалларни катта авлод яхши эслади. Улкан шўро мамлакатининг сўнгги таназзул йилларида намойиш этилган саёзгина муҳаббат можаролари эди. Шундай бўлса-да, уларни катта-кичик кучли қизиқиш билан кўрарди. Шу муносабат билан ўтказилган сўровнома иштирокчиларининг катта қисми

бу қизиқиш сабабини севги-муҳаббатнинг кўплиги билан изоҳлаган эдилар.

Шўро давлатида севги, муҳаббат йўқмиди?! Булар санъатда, адабиётда акс этмасмиди?! Албатта, бор эди! Аммо жуда кўп фильмларда, асарларда «совет кишисига хослик» талаб этилган ва инсоний туйғуларда нафосат, табиийлик етишмаган.

Эътибор беринг-а: «...сен мен учун айнан ҳамма нарса, бутун ҳаётим эдинг. Ҳамма нарса фақат сенга алоқаси борлиги сабаблигина мавжуд эди, ҳаётимдаги ҳамма нарса сен билан боғлиқ бўлган тақдирдагина маъно касб этарди. Сен бутун ҳаётимни ўзгартириб юбординг».

Бир мактубда бутун бир тақдир. Аёл тақдири, аёл севгиси, армони, умидлари, сўнгги нафаси... Бундай гўзал ва бетакрор мактубларни Стефан Цвейг қаҳрамонларигина ёза олади. Бундай фидокорликка, бундай оташин севгига унинг қаҳрамонларигина сизу бизни ишонтира оладилар, ўйларга толдиради. Адибнинг «Бетоқат қалб» асарида ҳам бир мактуб бор. Йўқ, аслида бир нечта мактублар бор. Аммо улар орасида биттасини ўқиган инсон ҳеч унутолмайди. Бу навниҳол, ногирон Эдитнинг мактуби. Асарнинг ўзи бир олам, ундаги ўша биргина мактубнинг ўзи ҳам бир оламдир. Бу, албатта, бошқа мавзу. Шунчаки мактуб ҳақида ёзаётиб ёдимга тушди. Ва шунчаки эмас, чин дилдан «Бетоқат қалб»ни ҳам ўқишингизни тавсия қиламан.

Яна ўқиймиз: «Болам кеча ўлди – бу сенинг ҳам боланг эди. Бу сенинг ҳам боланг эди, азизим – ўлим олдидан ёлгон гапирмайдилар.

Сен бечора нуридийдамизни билмасдинг – уни сендан яшириб келганимга бугун пушаймонданман, ахир, сен уни суйиб-эркалаган бўлардинг. Афсус, бечора ўғлимизни билмасдинг, уни ҳеч қачон кўрмаган эдинг, жилмайишлари, ўйчан, қора кўзларини катта-катта қилиб очишларини кўрсанг эди – нақ сенинг кўзларинг! – улар қувончдан порлаб, мени ва бутун оламини мунаввар айларди...»

«Улар қувончдан порлаб, мени ва бутун оламини мунаввар айларди» – Бундай сўзларни оналар айтади, қалби буюк муҳаббатга лиммо-лим онанинг наздида бола қувончи оламини мунаввар айлайди.

Ортиқ бир сўз дейишга қурбим етмайди. «Нотаниш аёл мактуби»ни ўқинг, Стефан Цвейг асарлари қалбингизни мунаввар қилади, бир олам таассуротлар билан тўлдиради, янги оламини кашф қилгандек бўласиз. Гапларимга ишонмасангиз, чиндирингиз ҳам, бир ўқиб кўринг-а.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ҚУРОЛСОЗ УСТОД АЛИҚУЛИ

«Бобурнома» жаҳоний шухрат қозонган бебаҳо маданий ёдгорлигимиз. Кўпчилик учун бу тарихий асар. Аммо унинг сифати тарихийлиги билан тугамайди. «Бобурнома»нинг айрим ўқувчилари уни адабиётшунослик асари дейдилар. Уни тилшунослик асари деб биладиганлар бор ва буни мутахассислар асар тили билан далиллайдилар. Бу ҳаммаси эмас.

«Бобурнома» санъатшунослик асари ҳамдир. Чунки унда рақс, куй, ашула ва тасвирий санъатга доир маълумотлар бор.

Хайратланарли томони шундаки, уни набототга доир асар ҳам дейилди. Чунки асарда асосан Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда ўсадиган дарахтлар, ўсимлик, ўт-ўлан, гуллар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Бундан ташқари «Бобурнома» ҳайвонот олами ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берадиган ноёб манбадир.

Ҳа, сўзсиз буларнинг барчаси унинг ноёб ва беназир, беқиёс асар эканлигини англатади. Мен инсониятнинг бебаҳо маданий ёдгорлиги бўлган бу асар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Буни соҳа билмонларига қўйиб берайлик.

«Бобурнома» сўзбошидаги мана бу парчага эътибор беринг-а: «Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрини кезган киши «Лаълбоғ-қалъа» тарихий музейига кириб Бобур ва Бобурийларга бағишланган хоналарни кезаркан, Бобур ва унинг ворисларига тегишли кийимлар, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, устод Алиқули қуйган тошотар тўплар, милтиқлар – туфақлар, совут, қилич-қалқонлар, дубулға, от кежимларини (ўқ ва қилич зарбасидан ҳимоя қилувчи ёпинчиклар), ўша давр кишиларини ўз замонлари либосларида томоша қилган киши Ҳиндистон ва Бангладеш халқларининг Бобур ва Бобурийларга бўлган ҳурматини ёрқин тасаввур эта олади».

Ишонаманки, мазкур асарни кўплар катта қизиқиш билан ўқиб чиққан. Ҳар кимнинг таассуроти ўзига хос бўлиши табиий. Мен эса эътиборингизни Бобур мирзонинг қуролсози устод Алиқулига қаратмоқчиман.

Эътибор берган бўлсангиз, бу ном асарнинг бир неча жойида учрайди.

Қўшиннинг музаффарияти бир неча омилларга боғлиқ. Улардан энг муҳими унинг замонавий қурол-яроғ билан таъминланишидир. Бобур юришларининг муваффақияти асосида ҳам ана шу омил мужассам. Унинг жасур саркарда сифатида олижаноб фазилатлари бисёр эди. Шунинг баробарида қуролсозликка ҳам катта эътибор берган. Қўшиннинг ўша даврга хос замонавий қурол-яроғлар билан таъминланганини «Бобурнома»да келтирилган қуйидаги парча, яъни Бажавр қалъасининг олинишида кўрамиз: «Бажавр эли, туфангни (милтиқ) кўрмаган эдилар. Шунинг учун туфанг товушини эшитганда асло парво қилмадилар. Балки туфанг товушини эшитгач, масхаралаб, эрмак қилгандай тутуриқсиз масхаромиз ҳаракатлар қилардилар. Ўша кун устод Алиқули беш кишини ту-

фанг билан отиб йиқитди. Вали хазиначи ҳам икки кишини туфанг билан йиқитди. Ўзга туфанг отувчилар ҳам туфанг отишда кўп жасорат кўрсатиб аниқ-тиниқ отдилар. Қалқондан, совутдан, говсардан (молбошисимон ҳарбий тўқмоқ) ўтказиб-ўтказиб, душманни йиқита-йиқита отдилар. Оқшомгача чамаси етти, саккиз, ўн бажаврлик туфанг ўқидан йиқилди. Ундан сўнгра, шундай бўлдики, туфанг зарбидан бош чиқара олмасдилар».


Бундан кўринадики, туфанг ўша даврнинг энг илғор, олд қуроллари-



дан бўлган. Ўзи тугул ҳатто товушини ҳам эшитмаганлар. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу ўринда яна бир жанг тасвири эътиборингизга ҳавола этамиз: «Қўрғоннинг шарқи-шимолий қалъа минорасининг тубига Дўмтбекнинг одамлари кириб, қазиб-йиқитиш ишлари билан машғул бўлдилар. Устод Алиқули ҳам ўша ерда эди. У кун ҳам у яхши туфанг отди, икки маротаба фаранги (европача милтиқ) отди. Вали хазиначи ҳам бир кишини туфанг билан йиқитди...»

Жанг манзарасини тасвирий санъат асарини кузатган каби ўқийсиз. Тасвир шу қадар жонли, аниқ-тиниқки, ихтиёрсиз воқеалар орасига тушиб қоласиз. Булар орасида устод Алиқулини жасур жангчи сифатида ҳам таниймиз. Шунингдек, Бобур қўшинининг қурол турлари ҳақида ҳам маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. Эътибор бердингизми, бу ерда хориж қуроллари ҳам қаламга олинган.

Ёдингизда бўлса, Панипат жангида Бобур қўшинлари сон жиҳатидан устун қўшинга қарши жанглар олиб боради. Шу ерда Бобур мирзонинг тадбиркор саркардалигини яққол



кўриш мумкин. «Бобурнома»дан ўқиймиз: «Аскарларимизнинг сони биз мўлжаллагандан камроқ эди.

Шу кўнимжойда бутун лашкар халқи ҳолига яраша арава келтиришларини буюрдим. Етти юзта арава олиб келдилар. Устод Алиқулига Рум усули билан аравалар орасига занжир ўрнига ҳўкиснинг хом терисидан арқон эшиб тасма қилиб бир-бирига боғлашни буюрдим. Ҳар иккита арава ўртасига олти-етти тўра (қалқон) қўйилади. Милтиқлилар шу арава ва тўра – қалқонлар ортида туриб, милтиқ отадилар. Бу қуролларни тайёрлаш учун беш-олти кун шу ерда қолиб кетдик».

«Бобурнома»даги жанг тасвирларининг бир неча жойида устод Алиқули ҳақида сўз боради. Яна ўша Панипат жангидан: «Муҳаммад Али кўкалдош, Шоҳ Мансур барлос, Юсуф Али ва Абдуллога марказ қўшини олдида туриб жанг бошлаш буюрилди. Устод Алиқули ҳам марказ қўшини олдида туриб фарангидан отди. Мустафо тўпчи ҳам марказий қўшиннинг чап қанотидаги арава устидаги зарбандан (тўпга ўхшаш қурол) яхши зарбалар берди».

«Бобурнома»да фарангига Европадан келтирилган отиш қуроли дея изоҳ берилган. Демак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўшини ўз даврининг энг замонавий қурол-аслаҳаларига эга бўлган.

Тарихий асарнинг 1526-1527 йил воқеаларида устод Алиқули билан боғлиқ мана бу ҳолатни ўқиймиз: «Байана ва бизга келиб қўшилмаган баъзи қўрғонларни ўққа тутиш мақсадида устод Алиқулига катта тўп (замбарак) қуйиш буюрилган эди. Ўчоқ ва бошқа керакли нарсаларни тайёр қилиб, менга одам юборди. Муҳаррам ойининг ўн бешинчисида, душанба кун устод Алиқулининг тўп қуйишини томоша қилгани бордик. Тўп қуядиган ернинг атрофига саккиз ўчоқ қуриб, асбобларни эритибди. Ҳар бир ўчоқнинг тубидан тўп қуйиладиган қолипга тўғри келадиган биттадан нов қазиб тайёрланган. Биз боргач, у ўчоқларнинг тешиқларини очди, ҳар бир новдан эриган қурол-яроғ сувдек шариллаб қолипга оқиб кирарди. Бироздан кейин қолип тўлмасидан бу ўчоқлардан келаётган эритманинг келиши аста-секин тўхтади. Ўчоқ ёки темирда бирор камчилик бўлган шекилли. Устод Алиқули жуда ёмон аҳволга тушиб қолди. У ҳатто ўзини қолипдаги эриган мис ичига ташлаб юборай деди. Устод Алиқули тасалли бериб, сарпо кийдириб,

бу хижолатдан қутқардик. Бир-икки кун ўтиб, қолип совуганидан сўнг уни очишди. Устод Алиқули жуда хурсанд бўлиб, тўпнинг тош уйи камчиликсиз, дорихонасини қуйиш осон, деган хабарни юборди. Қозоннинг тош уйини чиқариб, ёрдамчиларига уни ислоҳ қилишни тайинлаб, ўзи қозоннинг (тўпнинг) дорихонасини қуйиш билан машғул бўлди».

Биз кўп ҳолларда тайёр нарсани қабул қиламиз. Ундан фойдаланаётган вақтимиз ҳам «қандай тайёрланди, нималардан тайёрланди», деган савол билан бошимизни қотириб ўтирмаймиз. Бузилса, уста бор ёки янгисини харид қилиш мумкин. Юқоридаги парчада буюк саркардининг синчковлиги, қуролсоз устанинг ҳар бир ишини диққат билан кўздан кечиргани англашиляпти. Муваффақиятсиз синов ҳам ҳафсаласини пир қилмади. Бунинг устига устанинг кўнглини кўтариб, рағбатлантирди. Қуролсознинг хатти-ҳаракати ҳам унинг бениҳоя фидокор ва садоқатли эканлигини англайтиб турибди. Ғоят ибратли бир воқеа. Буларни ўқиймиз, хайратланамиз, жўмардлигига қойил қоламиз. Ҳаётимиз, фаолиятимизда биз ҳам ўзимизни буюк саркардага муносиб издош каби тутсақ эди.

Тош отиш томошаси бироз вақт ўтиб, бу гал муваффақиятли ўтади. Ўқиймиз: «Ойнинг саккизинчисида, якшанба кун устод Алиқулининг ўша – аввал тош уйини бенуқсон қуриб бўлган, кейин ўқ соладиган қисми (дорихонаси)ни тайёрлаган катта тўпида тош отишини томоша қилишга бордим. У аср намози пайти тўпдан тош отди. Тош бир минг олти юз қадамга учиб борди. Устод Алиқулига камар-ханжар, сарпо ва бир от инъом бўлди».

Ганг дарёсига кўприк солиниши воқеаларида яна устод Алиқулини кўрамиз. Дарёга кўприк солиниши ҳужумлар бўлиб тургани учун хавфли эди. Шу сабаб уни ҳимоя қилиш зарур эди. Ўқиймиз: «Кўприк солинадиган ернинг яқинидан устод Алиқули тўп ўрнатиб, тош отиш учун жой танлаб, тош отиш билан машғул бўлди...»

Бир неча кун – то кўприк қурилгунича, устод Алиқули тўпдан яхши тошлар отди. Биринчи кун саккиз марта тўп отди, иккинчи кун ўн олти марта отди. Уч-тўрт кун мана шундай тўп отди. Бу тошларни «ғозий тўп» билан отди. Бу – Сангаайи кофирнинг урушида тош отган ўша тўп эди. Шу боис уни «ғозий» деб номладилар. Яна бир каттароқ тўп ҳам қуйганди, бир марта тош отганидаёқ парчаланиб кетди».

Устод Алиқули билан боғлиқ воқеалар шу билан тугаб қолмайди. Унинг номи «Бобурнома»да яна бир неча бор қаламга олинади.

Ҳа, устод Алиқули оддий қуролсоз ё тўпчи эмас эди. У Бобур мирзонинг зафарли юришларида муҳим ўрин тутган садоқатли шахслардан бири эди. Шу сабабли жаҳоний шухратга эга «Бобурнома» маданий ёдгорлигида унинг номини ҳукмдорлар, вафодор беклар, навкарлардан ҳам кўпроқ учратамиз.

**Полковник Илҳом КўЧАРОВ,
Қуролли Кучлар академияси**

ХОТИРА

БУ МАЙДОН ЖАСОРАТДАН СЎЗЛАЙДИ

“ Тинчлик – бизнинг бахтимиз. Аслида Ватан учун жон куйдирмоқ, унинг ҳар қарич тупроғини муқаддас билиб асраб-авайламоқ юртнинг асл фарзандларига хос. Мавлоно Фузулий шундай ёзади: «Менинг битта ҳаётим бор, бордию мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим».

Ҳатто буюкларимиз ҳам интилган шундай улуғ шарафга Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар сазовор эканлиги бу – уларнинг толеи баландлигидан. Шунинг учун халқимиз тинчлик учун ўз ҳаётини, умрини бахшида этган, бу йўлда шаҳид кетган ҳарбий хизматчиларнинг номини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Уларни мардлик ва жасурлик тимсоли сифатида ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатади.

Ортимизда бугунги саодатли кунларга хизмати сингган, орият, ғурур ва садоқатни буюк аجدодларидан мерос қилиб олган шундай жасур қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш учун қатор эзгу ишлар амалга оширилди. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган Хотира майдони ҳам хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва Афғон уруши қатнашчилари шарафига бағишланади.

Майдоннинг тантанали очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Афғон уруши қатнашчилари, ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққан-

лар тинчлик ва осойишталикнинг қадр-қиммати ҳақида фикр юритиб, Жасур жангчиларнинг улуғ мақсад йўлидаги буюк қаҳрамонлиги халқимиз ёдидан, хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмаслигини таъкидлашди.

Шундан сўнг меҳмонлар Афғон уруши қатнашчилари ҳайкали пойига гул қўйиб, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтиришди.

– Бу майдоннинг жасоратни кўқларга кўтарган ва уни абадийлаштирган сўлим гўшага айланганидан хурсандмиз, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, Султон Ҳакимов. – Илгари бу ер жуда қаровсиз эди. Боғ ҳудуди 3 гектарни ташкил қилади. Ҳозиргача бир ярим гектар ҳудуд ободонлаштирилди, сув ўтказилди, ўриндиқлар қўйилди. Қурувчиларнинг машаққатли меҳнатидан сўнг, майдон бугунгидек файзли қиёфада акс этди. Ҳали майдонда ёшлар учун футбол майдони қуриш, боғ қилиш режалаштирилган ва бунинг фурсатда амалга оширамыз. Тунов кун майдонга келин-куёвларнинг зиёратга келганини кўриб тўлқинланиб кетдим. Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Ҳа,



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

юртдошларимиз хотирани азиз туйғу деб билишади, мардликни, жасоратни улуғлайди. Зеро, биз анъана ва қадриятларига содиқ, илдиэлари мозийга туташ қадим миллат вакилларимиз.

Тадбир давомида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида жасорат, мардлик ва шижоат каби фазилатларни шакллантириш, ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга қизиқиш уйғотиш мақсадида марафон ҳам ташкил қилинди. Унда ёшлар велоспорт ва югуриш бўйича беллашдилар. Ғолиблар диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА

ЭЪЗОЗ

“ Шу кунларда 65 ёшни қаршилаган истеъфодаги генерал-майор Қосимжон Мамедовнинг хонадонидан шогирдларнинг қадами аримаяпти.

ШОГИРДЛАР ЭҲТИРОМИ

Мудофаа вазирлиги фахрийлар ишлари бўйича Марказий кенгаш вакиллари, ҳарбий хизматчилар, Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсантлари устоз офицер истеъфодаги генерал-майор Қосимжон Мамедов хонадонидан бўлиб, қутлуғ 65 ёши билан самимий қутладилар.

– Мен телевиденида ёки ижтимоий тармоқларда ҳарбийлар ҳақида бирор нима кўрсам ёки матбуотда ўқисам, эшитсам, қалбимда бир мамнунлик пайдо бўлади, – дейди истеъфодаги генерал-майор Қосимжон Мамедов. – Бугунги ёшларга, навқирон йигитларга, Ватанимиз ҳимоячиларига куч-қувват, хизматларига омад тилайман.

Миллий армиямизнинг шаклланиш жараёнларида фаол иштирок этган ҳарбий хизматчиларнинг кўпчилиги бугун улуғ ёшларга етиб, Қуролли Кучлар фахрийлари сафидан жой олган. Улар ҳозир ҳам Қуролли Кучларимизни ривожлантириш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига ўз ўнгитлари ва маслаҳатлари билан катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

– Мен генерал бўлишни орзу қилиб, юртимга фидойиларча хизмат қилиш ниятида ҳарбий касбни танлаганман. Бугунги учрашув ва сўхбат бир умр ёдимдан кўтарилмайди, – дейди Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсанти Зулфиқор Сиддиқов.

50 ЙИЛДАН ОРТИҚ УМРИНИ...

“ Қуролли Кучлар фахрийси истеъфодаги генерал-майор Абдуллажон Артикбаев 95 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Қуролли Кучлар академиясида «Ибратли ҳарбий хизмат намунаси» номли ўқув-маърифий фильми тайёрланди. Унинг тақдиротида Абдуллажон Артикбаевнинг набиралари, шогирдлари, таълим муассасаси шахсий таркиби иштирок этди.

Тожикистоннинг Конибодомидан 1925 йил туғилган Абдуллажон Артикбаев ҳарбий хизматни 17 ёшида бошлаб, 50 йилдан ортиқ умрини ҳарбий мундирда ўтказди. 1943–1945 йилларда Тошкент ҳарбий билим юрти – ҳозирги Қуролли Кучлар академиясида ўқиб, фронтга юборилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўрта Осиё чегара қўшинларида хизматни кичик лейтенант унвонидан чегара заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида бошлаб, Ўрта округ қўмондонини ўринбосари лавозимига бўлган узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу инсоннинг Афғонистондаги фаолияти алоҳида бобларни ташкил қилади.

Узоқ йиллик ҳарбий хизмат даврини ўзида акс эттирган ўқув-маърифий фильм намоишидан кейин, Қуролли Кучлар тарихи давлат музейи директори, А. Артикбаевнинг шогирди истеъфодаги полковник Мусалим Нуриддинов, сценарий муаллифи Қуролли Кучлар академияси услубий бўлим бошлиғи полковник Асқар Юлдашев, курсантлар сўзга чиқди. Улар устознинг жанговар ҳаёт йўли, миллий армиямизни барпо этишга қўшган ҳиссаси ва фазилатлари, фахрий отахоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши ҳамда шу каби фильмларни тайёрлашни анъанавий давом эттиришлари ҳақида сўз юритдилар. А. Артикбаевнинг набираси Наргиза Артикбаева бобосига бўлган ҳурмат-эътибор ва эъзоз учун академия раҳбариятига, фильм ижодкорларига миннатдорчилик билдириб, йиғилганларнинг саломини ва дил сўзларини бобосига етказишини айтди.



Фурқат ЭРГАШЕВ,
«Vatanparvar»

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА)

**АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН
2010 ЙИЛГИ МАВСУМ**

2010 йилги мавсумда армия спорт клубининг 712 нафар вакили мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашди, 364 нафари халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Натижалар ёмон бўлмади. Армиямиз спортчилари халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларнинг 343 та олтин, 278 та кумуш, 230 та бронза, жами 851 та медалларини қўлга киритишди.

Ушбу мавсумда Марказий ҳарбий спорт клубининг (МХСК) 63 нафар вакили халқаро аренада зафар қозониб, Давлатимиз мадҳияси дунё миқёсида янграшига сабабчи бўлишди ва мусобақа олтин медалини эъзозлаган ҳолда майдонда ёки телеэкран қаршисида ўтирган юртимиз спорт мухлислари билан бирга Ватанимиз мадҳиясини жўр бўлиб куйлашди. Ҳақиқатан ҳам 94 марта армия спортчиларининг муваффақиятлари эвазига халқаро майдонда баланд кўтарилди, яъни улар жаҳоннинг турли бурчакларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда 42 та кумуш, 52 та бронза медалларни ҳам қўлга киритишди.

Мусобақалар давомида МХСК вакиллари томонидан икки марта Ўзбекистон рекорди янгиланган бўлса, 3 нафари «биринчи разрядли спортчи», 4 нафари «спорт усталигига номзод», 9 нафари «спорт устаси», 3 нафари «халқаро тоифадаги спорт устаси» меъёрларини бажарди.

**ТАРИХИЙ ЮТУҚ – ЛЕЙТЕНАНТ
СОБИРОВ БИРИНЧИ ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ!**

2010 йилнинг кузида Японияда дзюдо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 111 мамлакатидан 848 нафар спортчи қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган МХСК вакили лейтенант Ришод Собиров 60 кг вазн тоифасидаги беллашувларда голиб чиқди!

Юртимиз дзюдо мухлислари ва мутахассислар мазкур жаҳон чемпионатида ўз суюклилари совриндор бўлишини олдиндан кутишган, хусусан лейтенант Ришод Собировнинг финалга қадар етиб бориши ва ҳал қилувчи беллашувда унга япониялик Хироаки Хироака ёки украиналик Георгий Зантария рақиблик қилиши мумкинлигини тахмин қилишган эди. Чунки МХСК вакили жаҳон чемпионатида қадар ўтказилган бир қатор халқаро турнирларда, хусусан Халқаро дзюдо федерациясининг (IJF) янги сериядаги мусобақаси – жаҳон рейтингда 16-поғонагача бўлган ўринларни эгаллаб турган тўрт қитъанинг энг кучли дзюдочиларини ўзида жамлаган Жанубий Кореядаги «WorId Masters»да голиб чиққан, Россия ва Тунисдаги «Улкан тож» ҳамда Гран-при турнирларида ҳам олтин медалларни қўлга киритган, Франция ва Бразилияда бўлиб ўтган «Катта дубулға» турнирларида эса кумуш медалларга сазовор бўлиш баробарида IJF рейтингда биринчи поғонага кўтарилиб олганди. Жаҳон чемпионатида мухлислар олдиндан кутганидек бўлиб чиқди. 60 кг вазн тоифасида беллашган спортчимиз аввалига болгариялик Янислав Герчев, Жанубий Корея вакили Жанг Жен Мин, яманлик Али Хасрав ва италиялик Элио Вердедан устун келди. Ярим



**АРМИЯ СПОРТИ –
ЮРТИМИЗ ФАХРИ**

МХСК СПОРТЧИЛАРИНИНГ 2010 ЙИЛГИ НАТИЖАЛАРИ

№	Спорт тури	Мамлакат миқёсида			Халқаро майдонда			
		Олтин	Кумуш	Бронза	Олтин	Кумуш	Бронза	
1	Баскетбол	5	0	0	0	0	0	
2	Бокс	6	1	6	9	8	4	
3	Велоспорт	13	15	25	2	0	0	
4	Дзюдо	7	6	7	9	9	8	
5	Енгил атлетика	125	118	62	7	7	9	
6	Кураш	2	3	2	6	0	6	
7	Мерганлик (ўқ отиш)	21	27	21	0	0	1	
8	Оғир атлетика	5	5	2	3	2	2	
9	Сув тўти	3	0	0	0	1	0	
10	Таэквондо	8	4	6	0	2	4	
11	Теннис	0	0	0	6	3	1	
12	Трамполин	2	2	0	4	0	2	
13	Шарк яккакурашлари	Армрестлинг	22	8	5	5	1	3
		Муай-тай	5	3	4	2	3	3
		Тош кўтариш	3	0	0	0	0	0
		Қўл жанги	4	1	0	3	0	0
14	Эркин кураш	5	1	4	1	3	7	
15	Эштак эниш (байларка ва каноэ)	33	32	22	3	1	1	
16	Юнон-рум кураши	11	10	12	3	2	1	
Жами медаллар:		280	236	178	63	42	52	
		694			157			
		851						

финалда рақиблик қилган россиялик Беслан Мудрановни ҳам Ришод осонлик билан мағлуб этиб, финалга йўл олди. Таъкидлаш жоиз, халқаро турнирлардаги муваффақиятлари дзюдочимизга дунё биринчилигида жуда асқатди. Чунки бошқа бир ярим финал учрашувида унинг азалий кучли рақиблари – япониялик Хироаки Хироака ва украиналик Георгий Зантария ўзаро қарама-қарши келди. Агар вақилимиз IJF рейтингда иккинчи ёки учинчи ўринни эгаллаб турганида ярим финалда бир-бирига қарама-қарши келган мазкур икки

кучли рақобатчилардан бири айнан унинг ўзи бўларди. Оғир кечган мазкур ярим финал учрашувида украиналик спортчи япониялик рақибини мағлуб этди. Бироқ финалда ҳамюртимиз Ришод Собировга қаршилик кўрсатиш учун Зантарияда кўшимча куч қолмаганди. Буни финал учрашуви ҳам кўрсатди. Жаҳон чемпионатида муваффақият қозониши учун ўзига олдиндан замин ҳозирлаган дзюдочимиз мақсадига эришди – украиналик





дзюдочини катта устунлик билан мағлуб этиб, жаҳон чемпиони бўлди. Унинг муваффақияти шарафига Токиода Ўзбекистон мадҳияси янграб, юртимиз байроғи юқори кўтарилди! Шу тариқа, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли ноёб тизим – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари орқали кашф этилган иқтидор соҳиби лейтенант Ришод Собиров Ўзбекистон спорт тарихи зарварақларидан дзюдо бўйича биринчи жаҳон чемпиони сифатида жой олди. Баракалла, юртимиз ва армиямиз асл ўғлони!

ЕВРОПА ЎЗБЕКИСТОНГА ТАН БЕРДИ

Украина пойтахти Киев шаҳрида қўл жанги бўйича Европа очиқ чемпионати ўтказилди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга Европа қитъаси жамоаси эмас, балки Осиё вакили – Ўзбекистон терма жамоаси кўтарилди. Қўлга киритилган 6 та медалнинг 5 тасига армиямиз спортчилари эришди.

Терма жамоамиз вакиллари Европа чемпионатида юқори техника ва маҳорат намойиш этишди. Бунга фахрий меҳмон сифатида биринчилик баҳсларини кузатиб борган Украина IBF халқаро федерациялари президенти Пан Нирринг Георг ва Россия қўл жанги федерацияси президенти Валерий Хоритонов томонидан ҳам урғу берилди. Қолаверса, вакиллари-мизнинг чиқишларини маҳаллий мухлислар ҳам олқишлаб туришганлигини Украина ва Россия спорт нашрлари таъкидлаб ўтишди. Албатта, келиб чиқиши ёки миллатидан қатъий назар спортда ҳар доим кучлилар улуғланган, ғолибларга мағлублар томонидан тан берилган. Спорт шу жиҳати билан ҳам қадрли ва умумбашарий.

Терма жамоамиз Европа очиқ биринчилигининг 3 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди. Биринчи олтин медалга МХСК вакили Рустам Магдиев сазовор бўлди. 65 кг вазн тоифасида амалдаги қитъа ва жаҳон чемпиони ҳисобланган спортчимиз унга тенг келадиган рақиб йўқлигини Европа очиқ чемпионатида ҳам намойиш этди.

МХСК вакили Бобур Раҳматов Украинада 75 кг вазн тоифасида баҳс олиб борди. У ҳам клубдоши Рустам Магдиев каби рақибларига ҳеч бир имкон қолдирмади ва Европа чемпиони бўлди. Шунингдек, МХСК аъзолари Одил Сирождидинов (80 кг) ва Ихтиёр Холмуродов (90 кг) ҳам ўз вазн тоифаси бўйича жанглари якунида Европа чемпионати совриндорлари сафидан жой олишди ва умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллашига ўз ҳиссаларини қўшишди.

НОМЗОД 16 ТА, ҒОЛИБ ЎЗБЕКИСТОН, НЕГА?

Муай-тай (*тайбокс*) бўйича ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпионати Таиланд пойтахти Банкокда ўтказилди.

2009 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон тайбоксчилари 8 та (*2 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза*) медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 3-поғонага кўтарилганди. 2010 йилда тайбоксчиларимиз ушбу кўрсаткични янада яхшилашди – Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатининг 2 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза, жами 11 та медалларига эгалик қилишди. Бу жаҳон чемпионати доирасида ўтказилган Халқаро ҳаваскор муай-тайчилар ассоциацияси (IFMA) Бош ассамблеяси қатнашчилари эътиборини ҳам тортиди. Улар ушбу спорт тури юртимизда ривожланаётганини эътироф этган ҳолда 2011 йилги дунё биринчилигини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини бир овоздан маъқуллашди. Ваҳоланки, кун тартибига 16 мамлакат номзоди қўйилган эди.

Юртимиз терма жамоасининг умумий муваффақиятига МХСК вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Жумладан, Ғулом Ҳалимов ва Жобир Тошпўлатов жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритишди.

ЙИЛ ЛАУРЕАТЛАРИ

Юртимизда йилнинг энг яхши спортчи, мураббий ва ҳакамларини аниқлаш яхши анъанага айланган. Бундан 2010 йилги мавсум ҳам холи бўлмади – йил қаҳрамонлари аниқланди ва рағбатлантирилди.

2010 йилги мавсум мамлакатимизнинг кўпгина спортчилари учун муваффақиятли якунланди. Улар жаҳон майдонларида Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиш билан бирга ўз номларини юртимиз спорт тарихига муҳрлаб қўйишди. Хусусан, МХСК вакили лейтенант Ришод Собиров дзюдо бўйича биринчи жаҳон чемпиони сифатида Ўзбекистон тарихидан ўрин олди. Дунёга танилган маҳоратли спортчимиз Вадим Меньков эса 2009 йилги муваффақиятларини давом эттирган ҳолда 2010 йили ўтказилган эшак эшиш бўйича жаҳон кубоги баҳсларида ҳам ғолиб чиқиб, жуда кўплаб спорт мухлисларини хурсанд этди. Шу боисдан ҳам 2010 йилги мавсум якунлари бўйича «Йилнинг энг яхши спортчиси»ни аниқлашда мутахассислар бироз қийналишди. Чунки бу икки спортчимиз дунё биринчиликларида сўнг Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган «қитъа Олимпиадаси» – XVI Осиё ўйинларида ҳам ғолиб чиқишди. Номзодларнинг кўрсаткичлари

лан тақдирланди. Чунки Владимир Тўйчиевнинг XVI ёзги Осиё ўйинларида ғолиб чиқишида МХСК вакилининг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлганди. Владимир Тўйчиев эса «Йилнинг энг иқтидорли спортчиси» деб тан олинди. Шунингдек, тезкор шахмат бўйича XVI ёзги Осиё ўйинларида зафар қозонган гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов «Ақлий спорт юлдузи», баландликка сакраш ва бадий гимнастика бўйича қитъа Олимпиадасининг ғолиб ҳамда совриндорлари Светлана Радзивил ва Оляна Трофимова «Спорт маликаси», уч карра Осиё чемпиони бўлган Дилшод Мансуров «Энг иродали курашчи», ўсмирлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларининг бронза медали соҳиби бўлган боксчимиз Сардор Бегалиев «Энг истиқболли ёш спортчи», XVI ёзги Осиё ўйинларининг иккита совринини қўлга киритган енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиева «Катта тажриба ва юқори маҳорат соҳиби», қитъа Олимпиадасининг иккита кумуш медали соҳиби Денис Истомин «Энг маҳоратли теннисчи», дзюдо терма жамоамиз устози Андрей Штурбабин «Йилнинг энг яхши мураббийи», футбол бўйича Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб, Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олган ўсмирлар терма жамоамиз бош мураббийи Алексей Евстафеев «Энг яхши ёшлар устози», ампутант-футболчилар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан терма жамоамиз «Йилнинг энг яхши жамоаси», гимнастика федерацияси «Энг фаол спорт федерацияси» деб топилди.

2010 йил якунида натижалар сарҳисоб қилиниб, жаҳон ва Осиё миқёсидаги йирик халқаро

мусобақаларда муваффақият қозонганлар, энг фаоллар ва уларнинг мураббийлари Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти

томонидан рағбатлантирилди. Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан 2010 йили МХСК спортчилари халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишганлиги, Ватанимиз доврўғини дунёга таратишга салмоқли ҳисса қўшишганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, МХСКнинг етакчи дзюдочилари халқаро турнирларнинг 9 та олтин, 9 та

кумуш, 8 та бронза, жами 26 та медалларини қўлга киритишган бўлса, ёшлар акаларидан қолишмасликка ҳаракат қилиб, мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларнинг 7 та олтин, 6 та кумуш, 7 та бронза, жами 20 та медалларига сазовор бўлишди. Тажрибали мураббий Анвар Кўчмуродов бошчилик қилаётган МХСК енгил атлетикачилари эса 2010 йили дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган бир қатор йирик мусобақаларнинг 7 та олтин, 7 та кумуш, 9 та бронза, юртимиз миқёсидаги чемпионат ва кубок баҳсларининг 125 та олтин, 118 та кумуш, 62 та бронза медалларига эгалик қилишди.

МХСКнинг умумий муваффақиятига трамполин спортчи вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Жумладан, лейтенант Екатерина Хилько Бельгиянинг Гент шаҳрида ўтказилган батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич яккалик баҳсларида олтин медални қўлга киритди. Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқич баҳсларида эса МХСКнинг бошқа бир вакили – Анна Савкина зафар қозонди. Кейинчалик бу икки спортчимиз ўз маҳоратларини уйғунлаштиришди. Германияда ўтказилган жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳсларида улар биргаликда батутга чиқишди, яъни синхрон сакраш борасида жаҳонда тенгсиз эканликларини намойиш этишиб, олтин медалга сазовор бўлишди.

(*Давоми газетанинг келгуси сонларида*)

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»



деярли бир хил бўлгани учун иккиси ҳам «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди. Бу, албатта, одилонга қарор бўлди.

Армия боксчилари 2010 йилги мавсумда халқаро майдондан 9 та олтин, 8 та кумуш, 4 та бронза, жами 21 та медаллар билан қайтишди. Мавсум поёнида XVI ёзги Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритган ва йил давомида бир қатор халқаро турнирларнинг совриндори бўлган армия боксчиси лейтенант Элшод Расулов «Йилнинг энг маҳоратли спортчиси» деб топилди.

XVI ёзги Осиё ўйинларининг кўпкураш баҳсларида олтин, узунликка сакраш бўйича эса бронза медалини қўлга киритган МХСК енгил атлетикачиси кичик сержант Юлия Тарасова, сўзсиз, «Йилнинг энг ёрқин юлдузи» бўлиб порлади ва у айнан шу номинация ғолибига бериладиган мукофот билан тақдирланди. Зеро, юртимиз спорт мухлислари Юлиани узунликка сакраш бўйича нафақат юртимизнинг, балки жаҳоннинг энг маҳоратли спортчиларидан бири сифатида билишарди. Юлия ўз мухлисларини ҳам ҳайратга солган ҳолда XVI ёзги Осиё ўйинларининг кўпкураш баҳсларида зафар қозонди.

МХСК вакили Алексей Бобожонов ҳам йил лауреатлари сафидан ўрин олди. У «Энг яхши жамоа сардори» деб топилди. Зеро, Бобожонов бошчилик қилган Сергей Борзов, Алексей Мочалов (МХСК) ва Вячеслав Горндан (МХСК) иборат байдаркачи тўртлигимиз XVI ёзги Осиё ўйинларида ғолиб чиқди. Фақат мусобақа мезонларидан кейин маррага етиб келган Герасим Кочнев ва Серик Мирбековдан иборат эшак эшувчи жуфтлигимизга эса «Ғалабага бўлган ишончи» соврини топширилди. МХСКнинг яна бир вакили – велоспортчи Вадим Шаехов «Ғалабага қўшган ҳиссаси» соврини би-

“ Тахминан ўн ёки ўн бир ёшдамиз. Рўзғор ишларини энди ўрганаётганимиз учун катта қизиқиш билан бажарамиз. Бир куни дугонам шошиб овқат қилаётганидан қўли мойда куйиб қолди. Қўрқиб кетиб, «энди қўли доғ бўлади-ку» деб ўйлаб, нима қилишимизни билмай қолдик. Шунда Меҳрихон (*у ҳам дугонамиз*) дарров ёрдамга шошди. Янги ювилган картошкани иккига бўлиб, дугонамнинг қўли куйган жойига босди. Натижада оғриқ тез босилди, жароҳат етган жой эса тузалиб, кейинчалик доғдан асар ҳам қолмади. Бу воқеани уйимизга келиб ҳаммага айтиб бердим. Гапимни эшитган аям «Меҳрихон момосининг қизи-да!», деб қўйдилар. Қизиқ, мен ҳам бирор ишни уддаласам, «барака топинг, момосининг қизи» дейишарди. Бунинг маъносини кейин тушуниб етдим...

Шарқ мамлакатларида момолар набираларига, айниқса, қизларга, кўп эътибор беришган. Уларга рўзғор ишларидан тортиб, одоб-ахлоқ, озодалик, муомала маданияти каби жиҳатларни ўргатганлар. Шунинг учун ҳам «момоқизлар» улғайган. Масалан, бизнинг оилада амаки, аммаларимнинг қизлари билан қўшиб ҳисоблаганда йигирмага яқин қиз набирамиз. Бувим раҳматли бизга совуқ тушса қиясизлар, деб иссиқ камзулчалар тикиб берардилар. Меҳмон набиралар кетгандан кейин бувим иккимиз қолардик. Кечаси гўзал ривоятлар, ҳадислар, воқеий ҳикоялар сўзлаб берардилар. Тинглаб, ухлаб қолардим. Бувим қачон ухлаганларини билмайман, лекин мендан олдин туриб, бобомга таҳорат учун сув иситиб қўярдилар. Тавба, кеч ётиб, шам ёруғи, ой нурида дўппи, сўзана тикиб, яна қандай қилиб сахар туриши мумкин. Чарчамасмикан? Аям ҳамма ишни қилади-ку, лекин бобомнинг хизматлари бувимдан ортмасди. Энди билсам бу турмуш ўртоғига тавозедан дарак экан.

Яқинда шифокор қабулига бордим. Белим қаттиқ оғриди. Айтишича, асабдан ёки шамоллашдан эмиш. Хайрият, асабларим жойида

МОМОСИНИНГ ҚИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

БОЛАЛИККА ҚАЙТИБ...

экан. Бироқ турнақатор турган беморлар аксариятининг ташхисига «асаб» сабабчи бўлибди. Уларнинг кўпчилиги ўттиз ёшлар атрофида, гапларига қулоқ солсам фарзандининг инжиқликлари, турмушдаги муаммоларни рўқач қилишди.

Уйга қайтарканман, аёлларнинг гаплари ва момоларимизнинг ҳаёт тарзи ёдимга тушди. У пайтларда ҳар бир оилада фарзандлар сони камида ўн нафарга яқин бўлган. Бувим фарзандларининг ёшлик даврини эслаганда бирор марта нолиганини эшитмаганман. Оиладаги тотувликни таъминлашда қўл меҳнатининг ўрни катта бўлган. Ўша давр аёллари рўзғорга керакли буюмларни ўзлари қилган. Уйимизда яқин-яқингача турадиган нақшинкор сўзана пардани бувимнинг ўзи тиккан экан. Амалий санъат тури билан шуғулланувчи аёл ва эркеклар ўз ҳис – туйғулари ва кечинмалари, орзу-армонларини матога жойлаб, ўзлигини тўла намоен қила олиши натижасида қон босим ошиши, юрак безовта бўлиши каби ҳолатлар деярли учрамайди. Қарабсизки, кайфият ҳам, оиладаги муҳит ҳам соғлом бўлади.

Момоларимиз бизга ўхшаб француз атри, туркия шарфи, америка сумкасини ишлатмаган бўлсалар-да улардан доим хушбўй ифор таралиб турган. Қалампир-мунчоқни қўйлақларига қадаб олишларини айтмайсизми. Ёзда райхонларни қулоқ чаккасига қистириб олишларида ишқим қолган. Бувим сочларимни майдалаб ўраётганда орасига толпоқлар қўшиб қўярди. Ҳамманинг ҳавасини келтириб, момоқиз бўлиб юрардим. Манти қилсак ошқовоқнинг уруғини офтобга ёйиб қўярдилар. Қуригандан кейин ердик. Момоннинг айтишича, қовоқ уруғини кўп есак, гижжа пайдо бўлмас экан. Бизни ҳеч қачон бу дард безовта қилмаган.

Бувимнинг қизларига, набираларига қилган насиҳатларини яхши эслайман. «Эркекларнинг олдида овозингни баланд қилмай гапир», «узун кийин, тор нарса кийма», «озгина масаллиқдан ширин ва барокатли овқат қилишни ўрган», «йўғида сабр қил», «турмуш ўртоғингдан нолима, кўнглини қолдирма», «яхши китоблар ўқи», «кўп кийим олма, уволи бор. Эскисини ювиб-ювиб, озода қилиб кий!» каби маслаҳатлари қанчалар зарур айни пайтда.

Бозор айланиб юрсам сотувчилар харидорларга энг сўнгги «мода» деб инглизча «kiss me» (мени ўп), «I'm hungry» (мен очман), «bad boy» (ёмон бола) каби сўзлар ёзилган ёки у-бу жойига «мато етмай қолган» либосларни кўрсатишади. Тавба дейман кузатиб. Момоларимиз ўзига-ўзи кийим тиккан, пахтадан, юмшоқ матодан иборат кийим кийишган. Инсон танаси бемалол нафас олсагина, аллергия касалликлар авж олмайди. Табиийликка нима етсин!

Момоларимизнинг қошидаги ўсманнинг инсон организмга фойдаси ҳақида сўзлаб бермоқчи-



ман. Янги сиқилган ўсма шарбати кўз, киприк, қошлар учун энг фойдали озуқа саналади. Шунингдек, кўзни равшанлаштиради, киприк ва қошларнинг тўкилишининг олдини олади. Бундан ташқари ўсма суви антибактериал хусусиятга эга бўлиб инсон саломатлигида катта аҳамиятга эга. Қошга қўйилган ўсма бош мия ички босими ошиши (черепной давления)нинг олдини олади.

Замондошларимиз татуировка қилдиришмоқда. Келинг, шу ҳақида гаплашамиз. Уларда юқумли касалликларга бўлган мойиллик юқори бўлади. Чунки жараён давомида фойдаланилган игналарнинг янги эканига ҳеч ким кафолат бермайди. Ишлатилган бўёқлар таркибида қандай моддалар борлигини ҳеч ким билмаганлиги оқибатида деярли ҳар учта одамнинг иккитасида касаллик юзага келиши аниқланган. Бўёқларнинг тобора қонга сингиши саратон касаллиги хавфини оширади. Бундан ташқари, инсон ҳаёти учун энг катта хавф деб қаралган қон орқали юқувчи касалликлар – ОИТС, ОИВ ва Гепатит С га чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Хулоса қилиш эса ўзингиздан.

Момоларимиз моҳир чевар, қўли енгил табиб, меҳрибон оила бекаси бўлишганига ҳавасим келди. Улар табиатнинг тилини тушунган. Табиат билан уйғунликда яшаган. Илмий, бадий манбаларни ўқир эканман, беихтёр болаликни, табиийликни, момоқизларни соғиндим.

АРМИЯ И МОЛОДЕЖЬ

МОИ ВПЕЧАТЛЕНИЯ
О ВОИНСКОЙ ЧАСТИ

В одной из воинских частей, расположенной в Зангиатинском районе, состоялось патриотическое, культурно-спортивное мероприятие с участием молодежи на тему: «Мои впечатления о воинской части».

Цель проводимого мероприятия, прежде всего, направлена на воспитание молодежи в духе патриотизма и любви к Родине, ознакомление их с нашими предками, которые боролись за независимость, внесли весомый вклад в процветание нашей Родины.

В своей речи капитан З. Юсупов отметил, что сегодня национальная армия нуждается в физически-развитой, морально-устойчивой молодежи, достойных сыновьях родного Узбекистана.

В ходе мероприятия учащиеся школ Зангиатинского района поближе ознакомились с бытом воинской части. Здесь для военнослужащих срочной военной службы созданы максимально необходимые условия как для физического, так и для духовно-просветительского воспитания.

Для приглашенных на воинскую часть детей солдаты продемонстрировали приемы рукопашного боя, посоревновались с ними в различных спортивных состязаниях.

В учебной точке вооружения майор Б. Муродов показал детям оружия и средства связи, которые на сегодняшний день существуют на вооружении национальной армии.

Очередь дошла до культурной части, в которой военнослужащие срочной военной службы выступили со своими номерами, были спеты военно-патриотические песни.

В завершении мероприятия дети написали сочинения о воинской части. Поделались со своими впечатлениями. Пожелали, чтобы их чаще приглашали в воинскую часть.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ



ОГОХЛИК

ҚАНЧАЛИК ҲУШЁРСИЗ?

Аҳоли томонидан хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қўлбола, ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали уланиш, носоз ҳолатдаги дудбуронлардан фойдаланиш ҳамда хонадон ичида очик оловдан иситиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига ҳамда ҳаво ва газ аралашмасининг чақнаши натижасида жабрланиши ҳаттоки, ҳалок бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ис газы табиий газ (*асосан (98 фоиз) метан (CH₄) ҳамда 2 фоиз бошқа оғир углеводород (пропан, бутан, этан, гексан ва бошқалар)дан иборат*), кўмир ва органик моддаларнинг тўлиқ ёнмаслигидан ҳосил бўлади. У инсон организмнинг нафас аъзоларига кучли таъсир қилади, организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди.

Мудофаа вазирлиги давлат техник назорати ва техника хавфсизлиги органлари томонидан турмушда газ ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ис газидан заҳарланишга қарши қаратилган тадбирлар ҳар йили ҳарбий округ, гарнизон, қисм ва муассасалар доирасида ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда ҳарбий қисм ва шаҳарчалар газ хўжалиги мансабдор шахслари томонидан уйлардаги тармоқ газидан ишловчи газ плиталарига (*бошқа газ асбоблари бўлмаганда*) – икки йилда бир маротаба, уйлардаги суюлтирилган газда ишлайдиган газ плиталарига (*ўзга газ асбоблари бўлмаганда*) – бир йилда бир маротаба техник хизмат кўрсатилиши ҳамда иситиш мавсуми олдидан иситиш ва сув иситиш асбобларига техник хизмат кўрсатилиши, уй-жойлардаги тармоқ газидан ишловчи газ плиталари, иситиш, сув иситиш асбобларига – йилда бир маротаба техник хизмат кўрсатилиши шартлиги эслатиб ўтилмоқда.

Айрим ҳарбий шаҳарчаларда хонадон эгалари томонидан газ хўжалиги мансабдор шахсларини хонадонларига киритмаслиги ва ушбу хонадонда ўрнатилган газ асбобларига белгиланган муддатларда техник хизмат кўрсатилмаслиги натижасида газ асбобларини фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолиши, газ жўмраклари ва газ асбобларидан газ сизиб чиқиши натижасида портлаш, газдан заҳарланиш ҳолатлари кузатилади. Афсуски, оммавий ахборот воситалари ва мавзуга доир тадбирларда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш борасидаги огоҳлантиришлар ҳам айрим бефарқ юртдошларимизга таъсир қилмаяпти. Натижада фалокат рақамлари йилдан йилга такрорланмоқда.

Жойларда ўтказилган тадбирлар, ўқув машғулотларида фавқулодда вазиетлар содир бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган чоралар, турмушда газ ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, юзага келиши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олиш борасидаги амалий ҳаракатлар ва мавзуга доир бошқа йўналишларда маълумотлар берилиб, видеороликлар намойиш этилмоқда.

Б. РАХМАТОВ, Мудофаа вазирлиги марказий аппарати таъминот департаменти давлат техник назорати ва техника хавфсизлиги бўлими бош мутахассиси

АКТУАЛЬНО

ИЗУЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ
НЕОТЪЕМЛЕМАЯ ЧАСТЬ ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Изучение иностранных языков занимало, и особенно в современных условиях занимает важную роль в подготовке высококвалифицированных кадров в системе военного образования. Оно служит одним из главных факторов последующего становления всесторонне развитого и творчески мыслящего офицера, в том числе посредством получения информации из различных источников, подготовки и принятия им глубоко проанализированных, действенных и обоснованных решений и т.п.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем праздничном обращении в связи с 28-летием образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины отметил, что «Мы и впредь первостепенное значение будем придавать подготовке высококвалифицированных военных кадров, широкому внедрению в учебно-воспитательный процесс передового зарубежного опыта, педагогических и информационно-коммуникационных технологий ...». Безусловно, реализация этих идей невозможна без знания иностранных языков, эффективной организации международного военного и военно-технического сотрудничества и, самое важное, привлечения к этой деятельности как отечественных, так и зарубежных ведущих специалистов в области языковедения.

Более того, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами не раз обращал внимание на актуальность данной проблемы ввиду активизации мер по оснащению национальной армии современным вооружением, военной техникой и военно-техническим имуществом. В этом контексте еще более актуализируется рассматриваемый вопрос изучения иностранных языков с целью освоения их эффективной эксплуатации и последующего обучения других военнослужащих на местах.

В этом плане одной из важных задач является

использование методов, которые способствовали бы организации эффективного учебно-воспитательного процесса, в том числе и в освоении иностранных языков, достижению указанных в государственных стандартах целей и определенных результатов по итогам завершения курсантами установленного периода обучения.

Важно при организации работы в этом направлении в военных вузах осознавать их специфику, отличную от гражданских учреждений, и при внедрении различных методов изучения иностранных языков всесторонне анализировать их эффективность и вести глубокую проработку вопроса их внедрения. Сегодня существует множество методов, направленных на оперативное и качественное освоение иностранных языков.

Например, в Канаде организация обучения иностранным языкам в интересах вооруженных сил возложена на училище иностранных языков канадских ВС и обучение здесь осуществляется по трем различным программам, которые разработаны в соответствии со спецификой преследуемых целей и задач.

Для успешной реализации вопроса изучения в ВВОО иностранного языка также представляется целесообразным рассмотреть вопросы введения достаточного и соответствующего учебной программе и нагрузке количества штатных единиц профессорско-преподавательского состава. При этом комплектование нужно

осуществлять наиболее подготовленными в профессиональном отношении преподавателями, в том числе путем приглашения зарубежных представителей из числа носителей изучаемого языка.

Важно также рассмотреть учебную нагрузку курсантов, вопросы гибкого планирования занятий, уделение достаточного количества аудиторных учебных часов и самоподготовки для изучения иностранных языков с учетом их повседневной и служебно-боевой деятельности, с тем, чтобы «посягать» у них желание заниматься иностранным языком и т.д.

Безусловно, одним из значимых аспектов в этом деле является мощная учебно-материальная и учебно-исследовательская база, в числе которых лингафонные кабинеты и компьютеризованные аудитории; соответствующая видеотека; отдел иностранной литературы в библиотеке.

Важен также такой компонент, на наш взгляд, как уровень владения языком, требующийся для поступления в то или иное ВВОО, который в той или иной степени влияет на качественную организацию учебного процесса, тогда как у отдельных курсантов иногда бывает даже слабое базовое образование.

Одним из важных методов также является увязка программ и тем иностранного языка с другими основными предметами, которые преподаются в ВВОО, организация и проведение на регулярной основе различных семинаров, встреч, круглых столов, а также разъяснение в ходе занятий смысла слов на том языке, на котором проводится обучение, без предоставления перевода на узбекском языке, что позволит на мыслительном уровне запоминать слова и обогащать словарный запас.

Шухратжон ШАКИРОВ,
Специализированный филиал
Ташкентского государственного
юридического университета

СПОРТ

МИРЗАХАЛИЛОВ «РУФАТ РИСКИЕВ КУБОГИ» СОҲИБИ

“ Пойтахтимизда бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакиллари ҳам қатнашди ва ўнта вазн тоифаси бўйича баҳсларнинг олтига совринига эгалик қилишди.

2016 йил Рио шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз боксчилари 3 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаганда биз учун тарихий саналган ушбу муваффақиятга дунё бокс мутахассислари ва спорт журналистлари бироз совуққонлик билан қарашган, яъни спортча ифодалаганда «шунчаки омад» сифатида муносабат билдиришганди. Ўтган йили Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган XX жаҳон чемпионатида юртимиз чарм қўлқоп усталари 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида яна 1-ўринни эгаллагач, дунё бокс мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ушбу муваффақиятларнинг омиллини қидиришга, ўрганишга тушишди. Табиийки, бокс бўйича 2020 йилги Ўзбекистон чемпионати баҳслари нафақат юртимиз спорт ихлосмандлари, балки бокси ривожланган бир қатор мамлакат мураббий ва мутахассисларининг ҳам диққат-эътиборида бўлди. Таъкидлаш жоиз, шундай эътиборга яраша бу йилги мамлакат биринчилиги баҳслари юқори савияда, тантанавор руҳда ташкил этилди, айниқса, финал жанглари билан уйғунликда олиб борилган жарангдор мусиқа остидаги тақдирлаш маросимлари дунёнинг энг нуфузли мусобақаси – Олимпиада ўйинларини эслатиб юборди. Юртимиз чарм қўлқоп усталари ўртасидаги жанглари ҳам мурасасиз ва қизиқарли кечди.

Бир ҳафта давом этган мамлакат биринчилиги-

да Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (МВСМ) боксчилари муваффақиятли қатнашишди. Дастлабки олтин медаль -49 кг вазн тоифасида жанг қилган Нодиржон Мирзахмедовга тегишли бўлди. У финалда Иброҳим Ишжановдан устун келди.

-57 кг вазн тоифаси бўйича финал жанги ҳам мухлис мутахассислар эътиборида бўлди. Зеро, рингга жаҳон чемпиони Миразизбек Мирзахалилов кўтарилганди. Унга қарши рингга чиққан Хуршидбек Расулжонов ҳам муносиб жанг қилди ва мухлислар ҳақиқий, очиқча боксга гувоҳ бўлишди. Бу ерда тажриба ўз сўзини айтди – жаҳон ва қитъа биринчиликлари ғолиби Мирзахалилов устун келиб, ўз муваффақиятлари қаторига 2020 йилги «Ўзбекистон чемпиони» деган шарафли номни ҳам қўшиб қўйди. Ушбу мурасасиз финал жанги мусобақа ташкилотчилари ҳамда мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортди ва улар чемпионат якунида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакилини «мусобақанинг энг яхши боксчиси» деб топишди – Мирзахалиловга «Руфат Рискиев кубоги» топширилди.

МВСМ боксчиларидан яна тўрт нафари Ўзбекистон чемпионатида совриндор бўлди. Нодиржон ва Миразизбек каби ўз вазн тоифаси бўйича жанглари барчасида рақибларини ҳарбийларга хос шижоат билан мағлуб этган Мадийр Саидрахимов (-91 кг) якунда биринчиликнинг олтин медали билан тақдирланди ва унинг мураббийига ҳам махсус кубок



топширилди. Финалгача бўлган баҳсларда барча рақибларидан устун келган Шунқор Абдурасулов (-60 кг) кумуш, ярим финалгача муваффақиятли жанг қилган Бобурмирзо Толипов (-63 кг) ва Козимбек Мардонов (-81 кг) эса бронза медалларни қўлга киритишди. Шундай қилиб, Мудофаа вазирлиги спорт маркази вакиллари Ўзбекистон чемпионатининг 3 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза, жами 7 та медалига сазовор бўлишди.

Чемпионат финал жанглари кузатиш ва ғолиб ҳамда совриндорларни тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон бокс федерацияси раҳбарияти қатори Мудофаа вазирлиги вакиллари, жумладан Мудофаа вазири ўринбосари Алишер Норбоев ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон чемпиони:

- 49 кг. Нодиржон Мирзахмедов (МВСМ)
- 52 кг. Мироншоҳ Ибрагимов
- 57 кг. Миразизбек Мирзахалилов (МВСМ)
- 60 кг. Абдумалик Халаков
- 63 кг. Асадхўжа Мўйдинхўжаев
- 69 кг. Бобоусмон Батуров
- 75 кг. Саиджамшид Жафаров
- 81 кг. Дилшодбек Рўзметов
- 91 кг. Мадийр Саидрахимов (МВСМ)
- + 91 кг. Лазизбек Муллажонов

Р. ЭРМУҲАММАД

ҚАРОР ВА ИЖРО

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ ГАРОВИ

“ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида ҳарбий прокуратура органлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунда ҳарбий округлар, алоҳида кўмондонликлар, ҳарбий қисм ва муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари тимсолида аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Мудофаа вазирлиги ҳамда қатор мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бу каби тарғибот тадбирларини барча ҳарбий гарнизонларда ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда «Барчамиз соғлом турмуш тарзига ўтамиз» шиори остида ўтган оммавий спорт машғулоти бу йўналишдаги тадбирларнинг дебосчаси бўлди.

Эрта тонгдан ҳарбий қисм спорт мажмуасида ҳарбий хизматчиларнинг кун тартиби бўйича ўтказиладиган эрталабки спорт машғулотида уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Тошкент ҳарбий прокуратураси, Ангрен шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар органлари ходимлари, спорт мактаби мураббийлари ва ўқувчилари, маҳаллалар раислари ва фаоллари ҳамда ёшлар, аёллар ва ўрта ёшдаги 100 дан ортиқ фуқаролар иштирок этди.

Машғулоти дастлаб чигал ёзди машқлар билан бошланиб, ҳарбий қисмнинг очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларида иштирокчилар юриш, югуриш, мини-футбол, стритбол, «Workout», стол тенниси ва ўзлари қизиққан бошқа оммавий спорт турлари билан машғул бўлишди.



Шунингдек, мутахассислар томонидан юқоридаги фармоннинг мазмун-моҳияти, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлиги, ақлий салоҳиятни ривожлантириш ва иш фаолияти унумдорлигида тутган ўрни, бу борада мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, шу билан бирга, тўғри овқатланишнинг аҳамияти, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш соғлом ҳаётнинг ажралмас қисми экани ҳақида аниқ мисоллар билан батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбир спорт турлари бўйича мусобақаларга уланиб кетди.

Адлия полковниги Абдуазиз ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бўлим бошлиғи

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

БИР ҚУЧОҚ АТИРГУЛ

Тошкент вилоятида «Гул» деган қишлоқ бор. Шу қишлоқдаги хонадонларнинг бирида Абдували ота яшайди. Улар билан гоҳ кўчада, гоҳ дўкон олдида, баъзан тўйларда учрашиб қоламиз. Икки-уч ойдирки, отахонни на кўчада кўрдим, на хабар ололдим. Бугун яқинда тақдироти бўлиб ўтган китобимни қўлимга олдим-у, отахоннинг уйига шошилдим.

Ўн-ўн беш сотихли кенг ҳовли жим-жит. Кузнинг таровати мана шу ҳовлига йиғилгандек, ёнғок ва ўрик дарахтининг барглари томорқа-ю ерни қучган. Абдували ота эса бир туп атиргулнинг қуриб бораётган баргларига қараб, хаёлга берилиб турган экан. Илгари бу ҳовлида атиргуллар жуда кўп бўларди. Отанинг ўзи томорқа ишларини бажарарди. Атиргуллар қор тушгандаям турфа рангларда очилиб тураверарди. Ўзининг айтиши бўйича муҳаббат тимсоли атиргул ҳовлининг безаги, кўрки, суюкли аёлининг суйган гуллари эди. Энди-чи, ҳовлидаги шунча атиргулдан бир тупгина атиргул қолибди. Чунки Абдували ота кексайиб қолди. Катта ҳовлидаги томорқага қарайдиган одамнинг эса ўзи йўқ.

Салом бериб отахонга яқинлашдим. Мени кўриб уларнинг юзлари ёришиб кетди. Хол-аҳвол сўрашдик, шу аснода китобимни мақтандим. Кейин суҳбат ўз-ўзидан атиргулларга кўчди.

– Сенга айтганман у атиргулни жуда ёқтирарди... Ўзи ҳам атиргулдек гўзал ва лобар эди. – Абдували ота паст овозда сўз бошлади. Шу сўзни айтиб-ю, кўзларида соғинч ва умрбоқий хижрон алангаси учкунлаб, ширин хотираларга берилди. Мен отанинг кўнглидан кечаётган ҳисларга ҳалал бергим келмай, уларни жим кузатиб турардим.

Отанинг умри юқори лавозимларда, тўқинлик билан ўтган. Аммо ҳозир анча қартайиб, ёлғизлиб қолганди. Тўғри, олти фазанди, бир этак неваралари бор. Улар отахонни доим авайлашди, меҳр кўрсатишади. Лекин кўнглини ёритувчи чироғи, алпқомат ўғилларининг меҳрибон онаси, оиланинг нурли фариштаси Шамшибонуси ёнида бўлмагандан кейин бу ҳаётда ҳеч нима татимай қоларкан. Кеча катта набирасининг тўйида кўнгли ўксиниб кетди. Шу набираси туғилганида, Шамшибону «Бобоси, қиз набираси муборак! Қаранг, ҳудди ўзингиз-а? Оппоқ либосли келинчақ бўлганини кўриш иккимизга ҳам насиб қилсин», деб дуога қўл очганди. Мана, холис ният амалга ошди, қиз невараси келин бўлди! Кеча уни ёр-ёр садолари остида ўзга уйга узатиб кетишди. Тўйда ҳовлига тумонат одам йиғилди. Аммо бир қизгинанинг мосуи тўйда бўлмади. Момони эслаб, каттаю кичик бир йиғлаб олишди.

Тўйдан кейин уй хувиллаб қолди. Ўғиллар иш, хизматига жўнашди. Қизининг ҳам рўзғори бор, тезгина уйига шошилди. Абдували ота яна ўша хотираларга бой кичик хонасида ўз ҳаёлларига чўмиб қолаверди. Эҳ, Шамшибону сизсиз яшаш осон эканми? Ёнида қайсар бўлсаям, кампири бўлгани яхши экан.

Ота анча йиллардан буён кийилавериби, ранги ҳам униқиб қолган шимининг чўнтагидан папиросини олиб, тутатди. Хотиралардан маст бўлган кимсадек, чайқалибгина айвон четига бориб ўтирди. Шу тобда бир нима ёдига тушиб кетгандек, мен томонга ҳижолатли нигоҳ ташлади. Ҳа, у менинг борлигимни унутиб қўйганди. Менга «Сени қара-ю адиба китобим чиқди дегин» деб, ёнига чорлади ва ўтиришим учун жой кўрсатди. Суҳбатимиз яна давом этишига умид боғлаб, отанинг ёнига ўтирдим.

– Қаерда хизмат қилгансиз, ота?

Абдували ота эса саволимга савол билан жавоб берди:

– Интернетдан фойдаланасанми?

– Ҳа фойдаланаман, – шундай деб шоша-пиша телефонимни сумкачамдан чиқардим.

– Мен Қора денгиз флотида хизмат қилганман.

Уч йил-у, тўққиз ой денгиз сатҳида Қора денгиз флоти қўмондонини олиб юрадиган «Флагмен крейсери» номли кемада бўлдим. Кеманинг узунлиги 1 200 м, энига эса 30 м. Ичида мингдан ортиқ матрослар бўлган. Қора денгиз орқали жуда кўп мамлакатларни кўришга муяссар бўлдим. Эҳ, сени қара-ю, ёзувчи...

Отахонга ҳавасим келди. Ёш вақтида қанча мамлакатларни кўришга улгурган экан. Оддий денгизчи матросликдан иккинчи даражали кичик сержант унвонига ҳизмат қилганлигини фахрланиб гапирди.

Абдували ота билан суҳбат асносида интернет орқали жанговар вазифани бажарувчи кема ҳақидаги маълумотларни топдик. Отанинг кўзлари худди ёш йигитларникидек, хизматга шай аскар сингари учкунлаганини пайқадим. Шу топда бобомнинг бир гапи ёдимга тушиб кетди: «Болам, ёшлик ажриқ мисол. Бир яшиллик тусини оладию, сўнг қуёшнинг тафти, ернинг иссиғига чидам беролмасдан қовжираб қолади. Ҳар нарсанинг баҳори гўзал. Инсон умрининг оний лаҳзалари ёшлик дамларда қолиб-ла кетади». Отанинг сўзларини тинглай туриб, унинг кўнглидан кечаётган буюк соғинчни ҳис қилдим...

– Ёнида Шамши холамнинг расмини олиб юраркансиз-а... – отанинг набираси Аброрнинг секингина шипшиган гапидан фойдаланиб қолиш фурсати етганди. Отанинг лабларига қўнган табассум ёйилиб, бошини қимирлатиб қўяркан, «Сени адиба десам, разведкачи ҳам экансан-ку» дея, ўрнидан турди ва менга «Хонамга кирсанг, стулга костюмим илинган. Олиб чиқ!» деди.

Отанинг хонаси. Кирганимдан тўйдим, хонада атиргул ифори бор (*бунақа ёқимли исни қишлоқда, энамни сандиғидаги рўмолларда ҳис қилгандим. Ўша рўмол, уйимизда ҳалиям бор. Энам раҳматлик бўлиб кетган. Аммо шу рўмол энамни эслатаверади*). Кичкинагина хона. Тўрда каравот. Сандиқ устига беқасам кўрпалар тахланган. Бир чеккада шаффоф рангда тобланаётган шиша идишлар, пахта ва атлас гулли чойнаг-у, пиёлалар тўла ойнали жавон турибди. Деворда осиглик бир қанча суратлар бор. Улар гўё бир оиланинг ўтмишини ўз ичига жамлаган эди. Расмларга бир-бир қараб чиқдим. Кўпчилиги оқ-қора рангли. Улар орасида бошига шол рўмол ташлаган аёл сиймоси акс этган сурат оналарининг сурати бўлса керак. Ана ҳарбий либосдаги йигитлар. Танидим, бу ўғиллари – Сайдували, Абдунаби, Самандар ака... Сочига оқ лента тақилган атлас кўйлакли бир қизалоқ дадасини маҳкам қучоқлаб тушибди. Ҳа, бу отанинг қизи. Айниқса, хона тўрида набирасига тикилиб турган онахон сурати эътиборимни тортиди. Суратда аёл қиёфаси, «Қани, эди сенинг улғайганинг бир кўрсам», дегандек туюлиб кетди. Бу аёл, ўша беш паҳлавоннинг онаси, Абдували отани хижронларда қолдириб, абадият уйқусига кетган Шамшибону холамнинг сурати эди.

Костюмни олиб чиққанимда, ота энди ўрнидан кўзғалаётган экан. Қўлимдаги костюмнинг чўнтагидан целлофан пакетга ўроглик расми олиб, менга тутқазди. Расм оқ-қора рангда. Унда 17-18 ёшлар атрофидаги гўзал бир аёлнинг ним табасум-ла қараб турган қиёфаси акс этганди.

– Момонг мени жуда эрта ташлаб кетди. Ҳали узоқ яшайди, деб ўйлардим. Қувонч-у шодлигимга, қайғу-ғамларимга шерик момонг бошқача аёл эди. Боя айтдим-а сенга у атиргулни жуда ёқтирарди... – ота жим қолди. Кейин бир нима ёдига тушгандек мийиғида кулиб сўзлашни давом этди. – Турмуш қуриш арафасида илк учрашувга чиққан кунимизни яхши эсламан. Худди билгандек бир қучоқ атиргулни олиб, шаҳарга тушдим. Ҳамма менга



қарайди. Момонгни кутяпман. Беш минут 20 минут. Бир соат... ва ниҳоят бир ярим соат деганда, узоқдан бир қизнинг қораси кўринди. У иккита ўрим қилиб олган сочини ўйнаб, атлас кўйлақда товланибгина келарди. Ёнимга яқинлашганда қўлимдаги атиргулларни кўриб, қувониб кетганди ўшанда. Унинг хурсандчилигидан шунча бетоқат бўлиб кутганим ҳам ёдимдан чиқиб кетган. Турмуш қурганимиздан кейин, ҳар кун ишдан қайтаётиб, қўлимда атиргул билан уйга кириб келардим. Бу одат бўлиб қолганди... Бир куни ишдан шошиб чиқиб, гул олиш ёдимдан чиқиб кетибди. Уйга келсам, уч боланинг хархашасидан ҳорибгина ўтирган Шамшибону мени кўриб, йиғлаб юборди. Кўнглини кўтарай десам, гул ҳам олмаганман.

Менга гина қилган бўлди. Шамшибонунинг кайфиятини кўтариш учун у ошхонада овқатга уннаган маҳали ўғлимнинг қаламларини олдим-да хона деворига атиргул суратини чиздим. Ўшанда хонага кириб келган момонг бир қучоқ қип-қизил атиргул расмини кўриб лол бўлиб қолганди, бу совғамдан тунд қиёфасига бирзумда табассум югурганди. Ўшанда шу гулларга қараб, менинг меҳримни, муҳаббатимни туйишини айтганди...

Отани мароқ билан гапирарди. Кўз олдимда, қип-қизил атиргулни тутган Шамшибону холамнинг сиймоси гавдаланди.

«Онамнинг расми илинган гилам орқасида бо-лалигимизда отам чизган атиргул расми ҳалиям бор». Фарзандларидан бири шундай деганди бир гал.

Энди тушундим. Келинлар отани иссиқроқ ва кенгроқ хонага кўчишини таклиф қилсаям, кичик хонадан чиқмас экан. Чунки бу хона отанинг ширин ўтмишига, қанча ёқимли хотираларига гувоҳ бўлган. Энг қадрлиси, бу хонада Шамшибонунинг эслатувчи атиргул, ундан таралган ширин ифор бор. Буни ёддан чиқариш осон эмаслигини шу лаҳзаларда ич-ичимдан ҳис қилиб турардим...

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

Туркиянинг «Тюркиш аэропейс индастриз» давлат авиасозлик бирлашмаси мутахассислари 2017 йилдан буён «Хюржет» (Hurjet) деб номланган янги ўқув-машқ самолётини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Мазкур самолётнинг 2018 йилнинг июль ойида Буюк Британиянинг Фарнборо шаҳрида ўтказилган халқаро аэрокосмик салон (кўргазма) доирасида намоиш этилган тўлиқ ўлчамли макети



битта двигателли компоновка (тузилиш)га эга бўлиб, унинг узунлиги 13 метр, қанот кўлами 9,8 метр, қанот майдони 24 м², баландлиги 4,2 метрни ташкил этади. Ишлаб чиқувчилар маълумотига кўра, самолётнинг максимал парвоз тезлиги М=1,2 га мос келади, амалий кўтарилиш баландлиги 13 700 метр, юқорига кўтарилиш тезлиги сониясига 178 метр, парвоз узоклиги 2 600 км.гача етиши мумкин. «Хюржет»дан нафақат учувчилар таркибини тайёрлашда, балки жанговар юкланмаси 2 700 кг.гача бўлган енгил штурмчи самолёт сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Унга ўрнатиладиган қуроллар таркибига лазер ёрдамида нишонга тўғрилаш тизими эга бўлган «ҳаво-юзалик» тоифасидаги L-UMTAS русумли бошқарилувчи ракеталар, нишонга тўғрилашнинг комбинацияланган йўлдош-лазер тизими билан жиҳозланган «Тебер-81, -82» типидagi бошқарилувчи ракеталар, шунингдек, космик радионавигация тизими маълумотлари бўйича нишонга тўғриланувчи HMK-82 типидagi бомбалар киритилиши мумкин. Янги ўқув-машқ самолётининг биринчи парвози 2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган. Истиқболли машинада максимал равишда Туркиянинг ўзида ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлар, шу жумладан, борт радиоэлектрон ускуналар ва қуроллардан фойдаланиш кўзда тутилган.

В ТРЕХ ОСНОВНЫХ ВАРИАНТАХ

Китайский многоцелевой вертолёт Z-8 разработан специалистами корпорации CAIC (Changhe Aircraft Industries Corporation) на базе французского SA-321 «Супер Фрелон» (лицензионная копия).



Состоит на вооружении ВВС и ВМС национально-освободительной армии Китая в трех основных вариантах: транспортном, противолодочном и поисково-спасательном. Машина может перевозить

ЯНГИ ЎҚУВ-МАШҚ САМОЛЁТИ

до 39 человек или до 27 экипированных военнослужащих. В санитарном варианте на борту предусмотрено размещение 15 носилочных раненых и медицинского оборудования. Противолодочный Z-8 может нести на борту гидроакустические буи, торпеды, противокорабельные ракеты и морские мины. Экипаж вертолета от двух до пяти человек в зависимости от модификации. Силовая установка – три турбовальных двигателя WZ6 мощностью по 1 156 лошадиных сил. Максимальная скорость полета 250 км/ч, крейсерская – 230 км/ч, практический потолок 3 100 м, максимальная дальность полета 820 км, максимальная продолжительность полета 4 часа 40 минут. Длина вертолета (с вращающимися винтами) 23 м, ширина 5,2 м, высота 6,7 м, диаметр шестилопастного несущего винта 18,9 м, рулевого – 4 м. масса пустого вертолета 7 550 кг, максимальная масса полезной нагрузки 5 000 кг, в том числе 1 000 кг на внешней подвеске, максимальная взлетная масса 13 000 кг, полный запас топлива 5 800 л.

КОМПЬЮТЕР ТИЗИМИГА ЭГА

Исроиллик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва «Слеммер» деб номланган калибри 155 мм.ли ўзююр гаубицага «Меркава» русумли асосий жанговар танк шассиси асос бўлиб хизмат қилган. Гаубица пўлат зирхдан тайёрланган ва тўлиқ пайвандланган айланма башняга ўрнатилган бўлиб, бу башня «Золтам системз» миллий компанияси мутахассислари томонидан яратилган. Жанговар тўп ҳисоби (расчёти) тўрт киши – командир, механик-ҳайдовчи ва икки нафар оператор-нишонга олувчидан иборат. Нишонга тўғрилашнинг горизонтал бурчаклари 360°, вертикал бурчаклари -3 дан +75° гача. Гаубицанинг максимал отиш узоклиги 40 км.гача. Автоматик ўқлаш тизими отиш суръатини дақиқасига 9 та ўқ узишга етказиш имконини беради. Стандарт жанговар комплект 60 та снаряддан иборат. Ўқлашнинг компьютер тизимида носозлик юзага келган ҳолатда қўл режимдан фойдаланиш мумкин, бунда отиш суръати пасаяди, ўқ-дорилар эса экипаж аъзолари томонидан етказиб берилади. Гаубицанинг офиз (ствол) қисми икки камерали тормоз ва порох газларининг ствол каналидан ҳаракатланиш тизими билан жиҳозлан-



ган. Машинага «Женерал дайнэмикс» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ва қуввати 900 от кучига тенг бўлган 12 цилиндрли дизель двигатели ўрнатилган. «Слеммер»нинг шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 50 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 400 км, узунлиги 11 метр, эни 3,7 метр, башня томигача бўлган баландлиги 3,4 м, жанговар оғирлиги 45 тонна.

С ОПЕРЕЖЕНИЕМ ГРАФИКА

В 2019 году был спущен на воду первый турецкий универсальный десантный корабль (УДК) L 400, созданный по проекту



испанского судостроительного объединения «Навантия» и фактически являющийся аналогом ранее построенного для ВМС Испании десантного корабля. По словам Президента республики Р.Эрдогана, данный корабль станет первым шагом в создании собственного турецкого авианосца, способного использовать самолет пятого поколения F-35B с укороченным взлетом и вертикальной посадкой. В настоящее время строительство УДК ведется с некоторым опережением графика и не исключается возможность передачи корабля ВМС Турции в 2020 году вместо запланированного 2021-го. При этом предполагается, что после постройки первого УДК турецкий флот закажет второй такой же корабль. Основные тактико-технические характеристики УДК L400: длина 230 м, ширина (по полетной палубе) 32 м, водоизменение 2 800 т, максимальная скорость хода 22 узла, дальность плавания при скорости 15 узлов – 9 000 миль. Корабль вмещает 900 пехотинцев с экипировкой, 46 танков или 77 единиц колесной техники и четыре десантных катера LCM для десантирования техники и живой силы на берег. Вооружения на корабле почти не имеется, кроме нескольких установок ракет противовоздушной обороны ESSM и зенитных ракет «Эрликон».

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ



Арманистон, Озарбайжон ва Россия томонидан Тоғли Қорабоғда тинчлик ўрнатилиши тўғрисидаги битим имзоланди. Унда мазкур ҳудудга Россия тинчликпарвар кучлари киритилиши ва Тоғли Қорабоғ ҳудудининг бир қисми, шу жумладан, Шуша шаҳри Озарбайжонга берилиши кўзда тутилган. Битимнинг имзоланиши Арманистонда норозликларга сабаб бўлган. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев тинчликпарвар кучлар сафида нафақат Россия, балки Туркия вакиллари ҳам бўлишини маълум қилган.

ПАНДЕМИЯ ЧЕКИНГАНИ ЙЎҚ



Дунё бўйича коронавирус билан касалланган инсонлар сони 51 миллион, вафот этганлар сони эса 1,2 миллиондан ошди. Бу борада АҚШ (10 млн. дан ортиқ) етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда Ҳиндистон, Бразилия, Франция ва Россия бормоқда. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти яқин бир неча ой ичида пандемия тарқалиши билан боғлиқ вазият яна мураккаблашиши, бу айниқса, Шимолий ярим шарда жойлашган мамлакатлар учун катта хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ВЕРТОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ



Россия Қуролли Кучларига тегишли Ми-24 вертолётни Арманистон-Озарбайжон чегарасида кўчма зенит-ракета мажмуаси ёрдамида уриб туширилган. Оқибатда экипажнинг 2 аъзоси ҳалок бўлган, яна бир аъзоси ярадор ҳолда эвакуация қилинган. Россия ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, расмий Боку зудлик билан ўз ҳарбийлари хатосини тан олган ва оператив текширувлар ўтказилиши ҳамда айбдорлар жазоланишини ваъда қилган. Россия томони Озарбайжон расмийлари баёнотини ижобий қабул қилган.

БУ ҚИЗИҚ

“ Кутубхоналар қадимда антик давр маданиятининг бутун илмини ўзида мужассам этган манба ҳисобланган. Уни донишмандлик хазинаси, фикрлар макони, дея таърифлашар эди. Қадимда кутубхоналар кўп бўлган, аммо уларнинг аксарияти душманлар томонидан йўқ қилинган, баъзилари эса шунчалик моҳирлик билан беркитилиб қўйилганки, ҳали-ҳануз топилмаган.

Ўз даврининг буюк саркардаси Амир Темури Самарқанднинг номини бутун дунёга ёйиб, уни архитектура ва маданият марказига айлантирди. Саркарда юришларидан ўлжалар билан бирга Кичик Осиёдан, Туркия, Ҳиндистондан қимматбаҳо китобларни олиб келар эди. Соҳибқирон вафотидан сўнг унинг империяси иккига бўлинди: Ҳиротни саркарданинг ўғли Шохрух бошқарган бўлса, Мовароуннаҳрда Шохрухнинг ўғли Улуғбек ҳукмронлик қилди. Улуғбекка бобосидан кутубхона ҳам мерос бўлиб қолди. Улуғбек ўрта аср даврининг маърифатли ҳукмдорларидан бири эди. У ўз атрофига Қозизода Румий, Али Қушчи каби Шарқнинг буюк олимларини йиққан эди.

Улуғбек даврида Ўрта Осиё кутубхоначилиги иши янада ривожланди. Айниқса, унинг топшириғи билан 1428-1429 йилларда Самарқанддаги обсерватория қошида ташкил этилган кутубхона энг бой китоб фондига эга бўлган. Тахминларга кўра, Улуғбек йиққан китоблар хазинаси Пергам қўлёзмаларидан бошланган, Темури Пергам шахрини босиб олганда қўлёзмаларни ҳам карвон билан Самарқандга олиб келган. Кутубхона Улуғбек даврида бетиним бойиб борган. У жуда билимли бўлиб, ўз кутубхонасида соатлаб ўтириб мутулаа билан машғул бўлар эди. Кутубхонада Платон,



ШАРҚНИНГ ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ЖУМБОҒИ

Гиппократ, Птоломей, Аристотель асарлари тўпланган ва яхши сақланган эди.

Отасининг ўлимидан кейин Улуғбек Темурийлар сулоласининг ягона ҳукмдори бўлди. Унинг илм билан шуғулланиши кўпчиликка ёқмас эди. Улуғбекка фитна уюштирилиб, ҳатто душманлари унинг ўғлини ҳам ўз томонларига оғдириб олдилар. Ўзига қарши уюштирилаётган фитнани сезган Улуғбек ҳукумат тепасига келадиган жаҳолат вакиллари унинг яратган илм масканини вайрон қилишларини биларди. Расадхона йўқ қилиниш арафасида эди, бироқ кутубхонани қандай бўлмасин сақлаб қолиш керак, деган ўй унга тинчлик бермай қўяди. Олим ўз фикрини кутубхона мудирини вазифасини бажариб келаётган шогирди Али Қушчига билдиради, у эса унинг йўли борлигини айтади. Али Қушчи Кеш қишлоғидан бўлган, шу қишлоқ яқинидаги тоғда кўплаб ёрлар борлигини ва ўша ерга китобларни яхшилаб беркитиб қўйиш мумкинлигини ҳам қўшиб қўяди. Улуғбек шундай қилди ҳам – бир неча 100 бобдан иборат китоблар сандиқларга жойланиб, яширин равишда олиб кетилди. Бунинг орасида 1449 йилда Самарқандда

фожиали воқеалар содир бўлди: Улуғбек хиёнаткорона ўлдирилди, унинг расадхонаси вайрон қилинди. Китоблар хазинасининг бундан кейинги қисмати ҳам Али Қушчи билан боғлиқ бўлган. Устозининг ўлимидан кейин Али Қушчи Туркияга ўтиб кетади. Айтишларича, у ўзи билан китобларнинг маълум бир қисмини олиб кетган, асосий қисми эса махфий беркитилган жойда қолган. Али Қушчи Мовароуннаҳрга бошқа қайтиб келолмайди, китобларнинг беркитилган жойини эса фақатгина у билар эди. Шу тариқа кутубхонанинг излари ҳам йўқолди, унинг жойлашган жойи ҳозирда ҳам Шарқнинг ечимини кутаётган жумбоқларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу кутубхона фондида нодир қўлёзма асарлар жуда кўп сақланган. Кутубхона тарихини ўрганган олимлар фикри ҳам, ривоятлар ҳам турлича, аммо уларнинг барчаси бир фикрда: қўлёзмалар сақланиб қолган, уни қидиришдан тўхтамаслик керак, деган фикрда яқдилдирлар.

**Сайёра МАМИРЖОНОВА,
Гулҳаё ЭРҒАШЕВА тайёрлади.**

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БАЖАРИЛДИ



Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди. Мамлакатнинг 5 та минтақаси ҳокимлари шу кунгача пахта тайёрлаш пунктларига 1 миллион 250 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилгани ва бу борадаги давлат буюртмаси муваффақиятли бажарилганини маълум қилди. Ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллион 50 минг тоннани ташкил этган эди.

ЁЛЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН



Қирғизистон миллий хавфсизлик давлат қўмитаси вакиллари томонидан мамлакат ҳудудида антиконституциявий фаолият олиб борган ва аҳоли орасида Қирғизистонда тақиқланган «Ҳизб ут-Тахрир» диний-экстремистик ташкилоти ғояларини тарғиб қилиш ҳамда турли алдовлар орқали маҳаллий фуқароларни ташкилот аъзоллигига ёллаш билан шуғулланиб келган, бир қатор мамлакатларда қидирувда бўлган шахс қўлга олинган. Бу ҳақда қўмита матбуот хизмати томонидан маълум қилинди.

ЯНГИ АЛФАВИТ ЛОЙИҲАСИ



Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган йиғилишда қозоқ тили алфавитини латин графикасига ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Унда маданият ва спорт вазири Ақтоти Раимкулова, таълим ва илм-фан вазири Асхат Аймагамбетов лингвист-олимлар ва экспертлар томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳақида маълумот берди. Давлат раҳбари олимлар билан ҳамкорликда янги алфавит лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Миллий комиссия муҳокамасига киритиш вазифасини қўйди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА

«ЁШЛАР БУРЧАГИ»
ОЧИЛДИ

« Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Ёшлар ойлиги» доирасида Қуролли Кучлар давлат музейида «Ёшлар бурчаги» ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган 300-мактаб ўқувчилари, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсантлари иштирок этди.

Ўз фаолиятини 1965 йилда Марказий офицерлар уйида бошлаган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейи бугунги кунда Марказий Осиё ҳудудидаги йирик ҳарбий-тарихий музейлардан биридир.

Музейнинг умумий майдони 3 минг квадрат метрдан ортиқ бўлиб, ўтган 55 йиллик фаолияти жараёнида унда 35 мингдан зиёд нодир ва бебаҳо экспонат ва архив ҳужжатлар тўплами йиғилиб, доимий равишда ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.



Тадбир давомида иштирокчиларга «Ёшлар бурчаги» ҳақидаги маълумотлар етказилди, музей бўйлаб экскурсия уюштирилди. Ёшлар экспонатларни томоша қилиш асносида, юртимиз ҳарбий тарихи ва бугуни билан боғлиқ қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

**Подполковник
Сардорбек АБДУСАМАТОВ,
Тарбиявий ва мафқуравий ишлар
бош бошқармаси ёшлар билан
ишлаш бўлими катта офицери**

ТАБОБАТ

ҚОРА СЕДАНА –
ТИББИЙ МЎЪЖИЗАМИ?

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи вассалам «Қора дона ўлимдан бошқа ҳар бир дардга даводир», деган. Қора дона бу седанадир. Арабча матнларда «ал-ҳабба ас-савдаа» номи билан ҳам юритилади.

Ҳадиси шарифда ривоят қилинган бу ҳақиқатни ўтган асрда илм исботлаган. Яъни 1959 йилда халқаро университетларда 200 та тадқиқот ўтказилиб, қора седана хусусиятлари тўғрисидаги ҳайратланарли хулосалардан иборат мақолалар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган.

1989 йил Покистонда нашрдан чиққан тиббий журналда қора седананинг ноёб, тенгсиз хусусиятлари тўғрисида мақола чоп этилди. 1992 йил Доха (Бангладеш) университети тиббиёт департаментида олимлар қора седананинг антибактериал хусусиятлари бешта кучли антибиотик: ампицилин, тетрацилин, котримоксазол, гентамицин ва налидикс кислота билан таққослаб тадқиқот ўтказишди. Қўлга киритилган натижалар, шубҳасиз, кишини ҳайратда қолдиради. Қора седана ёғи ўзини кўп бактериялардан тиббиёт препаратларига қаттиқ қаршилик кўрсатадиган бактериялардан ҳам кучли, устун ва фаоллигини кўрсатди.

Седана (*Nigella L.*) – айиқтовондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар

туркумига киради. Зиравор ўсимлик сифатида экилади. Унинг қорамтир хушбўй уруғларида эфир мойи бор. Нон пиширишда, карам ва бодринг тузлашда, ветеринария ва табобатда ишлатилади. Уруғи таркибида дамасценин алкалоиди ва эфир мойи бор.

Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Феруза Ҳамробоева ижтимоий тармоқларда тарқалган қора седанани ичган инсон корона-вирусдан буткул қутилар экан, қабилидаги фикрларга изоҳ бериб, жумладан шундай дейди:

– Қора седана ошқозон-ичак тизими, зарда қайнаганда, сафрони тўғри йўналтириш, димла-ниб туриб қолмаслигининг олдини олишда, ич қотишида, ўпка касалликларида эса балғамнинг кўчишига яхши ёрдам беради. Лекин бу билан биз ҳамма дориларни четга суриб қўйиб, фақат қора седана билан даволаниш керак, деган фикрдан йироқмиз. Қора седанани тиббиёт ходимлари тавсия этган дори-дармонлар билан бир қаторда ёки уларни қабул қилишни тугатгандан сўнг жараёни мукамаллаштириш учун қабул қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, қора седани Ўзбекистонда етиштиришни ҳамда унинг истеъмолини кенг йўлга қўйсак, ҳадиси шарифда келтирилган тиббий мўъжизадан янада баҳраманд бўлиб, кўплаб дардларимизга шифо топамиз.

**Азиза САФАРОВА,
Олот туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси**

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

АСР ВАБОСИ

« Гиёҳвандликнинг зарари тўғрисида бутун дунёдаги оммавий ахборот воситалари орқали кўпдан кўп маълумотлар берилган, шу жумладан юртимизда ҳам қатор амалий тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин, афсуски, бу иллат манбаи ҳанузгача инсониятга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Гиёҳвандликнинг оқибати инсонни қанчалик хароб, барбод қилса, худди шунингдек шахс ва жамиятнинг мол-мулки ва бойлигига ҳам мислсиз зарарлар етказмай қолмайди. У тинч-то-тув оилаларни бузиб, болаларни етим қилади, қашшоқлик, муҳтожликда яшашга мажбур этади. Унинг охир-оқибати касаллик ёки ўлим билан якунланади.



Бироқ сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда ёшлар анъанавий гиёҳванд моддалар ўрнига психотроп таблеткаларни истеъмол қилиш ҳолатлари авж олаётганлигини кўп эшитяпмиз. Улар орасида трамадол ва янги пайдо бўлган тропикамид дориларининг истеъмоли кўпаймоқда, натижада улар таъсирида ёшлар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилмоқда.

Бу иллатга қарши курашда фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас балки кенг жамоатчилик ҳамкорликда тизимли ишларни ташкил этиши самарали бўлади.

Зеро, гиёҳвандликка қарши кураш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Адлия майори Шохрух ВАХОБОВ,
Қарши ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

МАРАФОН

ЭНГ ЁШ ИШТИРОКЧИ
3 ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти кўмондонлиги ташаббуси билан Қарши ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ҳамкорлигида билим юрти ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари, Қарши шаҳрининг «Навоий» ва «Беклар» маҳалласи фуқаролари иштирокида «Саломатлик сари қадамма-қадам» шиори остида велосипедда, пиёда юриш ва югуриш бўйича марафон ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда маҳаллий аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, фарзандларимизда ёшлигидан спортга бўлган муҳаббатни уйғотишдир.

700 дан ортиқ киши иштирок этган спорт ва соғломлаштириш тадбирида майор Бобомурод Муҳаммадовнинг 3 ёшли ўғли Афрузбек мусобақанинг энг ёш иштирокчиси сифатида қайд этилди.

**Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар департаменти**





Dehqon bilan Jin

Qadim zamonlarda Baliqko'l tomonlarda bir Jin bo'lgan ekan. Kunlarning birida uning xojasi olamdan o'tib, Jin ozodlikka chiqibdi. U hech qachon mustaqil, ozod yashab ko'rmagan ekan. Endi nima qilsam ekan, yo o'zimga boshqa xo'jayin topsammikan, deb ketayotib dalada mehnat qilayotgan dehqonga duch kelibdi. U terlab-pishib yer chopayotgan ekan. Jinning dehqonga rahmi kelib:

– Odamlarga qiyin ekan-a, dehqon bobo. Bir parcha non topib, qornini to'ydirish uchun ertani erta, kechani kecha demay ter to'kishadi, – debdi.

– Mehnat sen o'ylaganingday mashaqqat emas. Sen ham mehnat qilib non yeganingda uning qanday shirin bo'lishini bilarding. Mehnatning tagi rohat, deydilar. Ishonmasang, buni o'zing sinab ko'rishing mumkin, – debdi dehqon.

Jin qiziqib qolibdi. Dehqon meni laqillatayotgan bo'lmasin tag'in, deb sinab ko'rish uchun baliq ovlamoqchi bo'libdi. Bir aylanib odam qiyofasiga kiribdi-da, bozordan to'r sotib olib, daryoga boribdi. Umrida baliq ovlab ko'rmagan Jin mashaqqat bilan to'rtta zog'ora baliqqa ega bo'libdi. Biroq u tutgan balig'ini pishirishni bilmabdi. Yana dehqonning oldiga boribdi. Ular ikkovlashib o'tin terib, baliqni olovga tutib pishirishibdi. So'ng uni o'rtaga qo'yib, birga ovqatlanishibdi.

– Oh, bunchalar shirin yemak bo'lmasa. Avval sira bunday mazali baliq yemagan edim. Chindan ham, mehnat qilib topilgan luqma totli bo'larkan. Sen meni aldamabsan. Endi doim nonimni mehnat qilib topaman, – debdi dehqondan minnatdor bo'lib Jin.

– Chunki mehnat qilganingda harakatda bo'lasan, qoning yurishadi. Harakat qilgan odamning tani ham sog' bo'ladi, – debdi dehqon.

Oradan oylar o'tibdi. Jin dehqon o'rgatganidek o'z mehnati orqasidan non va halovat topib mamnun yashay boshlabdi. Baliqchilar orasidan o'ziga do'stlar orttiribdi. Kun sayin hayot unga maroqli va mazmunli tuyulibdi. Odamlarga qul bo'lib, ularning bema'ni istaklarini ro'yobga chiqarishdan, mehnat qilib, hayot kechirish yaxshiroq ekanini anglabdi. Ishlab ter to'kish, so'ng hordiq chiqarish ham unga yoqib qolibdi. Endi hech qachon qayta Jinga aylanmaslikka qaror qilibdi.

Kunlarning birida yana baliq oviga chiqibdi. Suvga to'r tashlashi bilan unga oltin baliq ilinibdi.


– Ey, odam, jonimga rahm qil. Tila tilagingni, ortig'i bilan ado qilay, – deb turganmish oltin baliq ta'zim bajo qilganicha.

– Joning o'zingga siylov. Menga sendan hech narsa kerakmas. Moviy to'lqinlar ichra o'ynoqlab suzaver, – debdi Jin oltin baliqni hayratga solib. U hali biror odam zotidan bunday gap eshitmagan ekan.

– Nahotki, biror tilaging yo'q? O'zing bo'lmasa bola-chaqang uchun so'ra, keyin pushaymon bo'lma, – debdi oltin baliq uning gaplari qanchalik to'g'riligini bilish uchun.

– Ey, oltin baliq, menda bola-chaqa yo'q. Bo'lganida ham ularni mehnatga o'rgatardim. Sen mening g'amimni yema. Mehnat qilib, non topib yeyish qanchalar rohat ekanini bilganingda edi, bu rohatni hech narsaga almashtirmagan bo'larding, – debdi Jin.

CHIZISHNI O'RGANAMIZ



Labirint





ОБУНА - 2021

«VATANPARVAR» газетаси нашр кўрсаткичи – 114
«Ўзбекистон армияси» журнали нашр кўрсаткичи – 1273

– Мен «VATANPARVAR»ни танладим. Сиз-чи?

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:
вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар:
лейтенант Рамиз ВАЛИЕВ
Нодирабегим ВАЛИЕВА

Мусахҳихлар:
Зебо САРИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА
Муаттар МЕЛИЕВА

Телефонлар:
котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1162.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 30 582 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.

БИР ЧИМДИМ

**Орзу қилмоқ бахт,
Орзуларни рўёбга
чиқармоқ, бахтга
эришмоқликдир.**

Халқ ҳикмати

БИЛАСИЗМИ?

Ривожланган мамлакатлардаги телефон рақамлари ёзилган китобларда айрим адвокат ёки шифокорларнинг манзили сариқ ранг билан ажратиб ёзилади. Нима учун?

Жавоб: сариқ ранг уларнинг дунё бўйича хизмат кўрсатишига шундай патентнинг инициатори.

БИЛАСИЗМИ?

Тарихчи Хондамир асарларидан бирида бу шаҳарга шундай таъриф берган: Бир шаҳар кўрдимки, атрофида чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бор... Суви эса оби ҳаётдир йўқ-йўқ, оби ҳаёт унинг қиёсидан хижолатда зулматга чекинади. Бугдойи ҳақида айтилса, Макка шаҳри ёдга олинади. Бу қайси шаҳар?

Жавоб: Тошкент.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

**Маҳорат
машғулотларда
сайқалланади**